

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**ХАЛҚНИНГ АРДОҚЛИ АДИБИ**

*Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмад  
таваллудининг 95 йиллигига бағишиланган  
методик-библиографик қўлланма*

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти  
Тошкент – 2015

**78.342(5Ў)  
Х-22**

*Уибу қўлланма Илмий-методик ва тадқиқот хизмати ҳамда Миллий библиография маълумотлари базасини шакллантириши хизмати томонидан тайёрланди*

*Тузувчилар: Л. Нарзиев, М. Балтабаева  
Муҳаррирлар: Шукур Қурбон, Ш. Раҳимова*

Халқнинг ардокли адиби : методик-библиогр. қўлланма / тузувчилар : Л. Нарзиев, М. Балтабаева ; муҳаррирлар : Ш. Қурбон, Ш. Раҳимова. – Тошкент : Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2015. – 111 б.

*КБК 78.342(5Ў)  
91.9 : 83(5Ў)*

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сайд Аҳмад таваллудининг 95 йиллигига бағишланган. Қўлланмада ёзувчининг хаёти ва ижодига оид маълумотлар, тадбирлар сценарийси, меъёрий ҳужжатлар ҳамда адабиётларнинг библиографик рўйхати берилган.

Кўлланмадан ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари ва китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашириёти, 2015 йил

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Фармони**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ  
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТҮҒРИСИДА**

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, иқтисодиёт, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги, ёш авлодни ватанпарварлик, республика миллий мустақиллиги ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун мукофотлансин:

**“Шуҳрат” медали билан**

*Хусанхўжаев СаидАҳмад (Сайд Аҳмад) – Ўзбекистон халқ ёзувчisi.*

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
1994 йил 25 август,  
ПФ-939-сон*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Фармони**

**ХУСАНХЎЖАЕВ САИД АҲМАДНИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ДЎСТЛИК” ОРДени БИлан  
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари, республикада яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон ҳалқ ёзувчisi Ҳусанхўжаев Сайд Аҳмад “Дўстлик” ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
1995 йил 8 июнь,  
ПФ-1163-сон*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Фармони**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, МАДАНИЯТ,  
МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА  
ИЖОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР  
ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТҮГРИСИДА**

Ватанимизда фан, маданият ва таълимни ривожлантиришдаги улкан хизматлари, маърифатни тарғиб қилишга ҳамда тинчлик ва барқарорлик сақланишига қўшган муносаб ҳиссаси учун қуидагилар мукофотлансин:

**“Буюк хизматлари учун” ордени билан**

*Хусанхўжаев Сайд Аҳмад – Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
1997 йил 26 август,  
ПФ-1832-сон*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Фармони**

**“ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ” УНВОНИНИ БЕРИШ  
ТҮҒРИСИДА**

Давлат ва халқ олдидағи ғоят катта хизматлари, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги улкан фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки ҳамда миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси ва қаҳрамонона меҳнатлари учун “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилиб, Олий нишон “Олтин Юлдуз” медали топширилсин:

*Сайд Аҳмад (Хусанхўжаев Сайд Аҳмад) – Ўзбекистон халқ ёзувчиси.*

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
1999 йил 25 август,  
ПФ-2378-сон*

# **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори**

## **Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сайд Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотирасига Тошкент шаҳрида ҳайкал ўрнатиш тўғрисида**

Миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган адиллар – Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сайд Аҳмад ва унинг умр йўлдоши, таниқли шоира Саида Зуннунованинг бетакрор ижодий мероси, ибратли ижтимоий фаолияти билан ўзлигимизни англаш, ёш авлодни она-Ватанга севги ва садоқат туйғуси, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдаги катта ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг Ватанимиз пойтахти – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сайд Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотирасига ҳайкал ўрнатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Бадиий академияси бир ой муддатда тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳайкални яратиш бўйича ижодий танлов эълон қиласин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайкални яратиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-китобларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан қопланишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2011 йил 27 май*

# ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ САИД АҲМАДГА

*Муҳтарам Саид Аҳмад ака!*

Сизни ҳаётингиздаги қутлуг кун – табаррук 80 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Халқимиз Сизни миллий маданиятимиз равнақига улкан хисса кўшган бетакрор сўз санъаткори, заҳматкаш адаб сифатида билади ва қадрлайди. Юртимизда сеҳрли қаламингизга мансуб гўзал романлар, ранг-баранг қисса ва ҳикоялар, саҳна асарлари кириб бормаган хонадон йўқ. Улардаги ҳаёт манзаралари, инсоннинг нозик қалб кечинмалари тасвири ўзининг миллийлиги, халқчил ва теранлиги билан адабиёт муҳлисларининг меҳрига сазовор бўлган.

Миллатимиз руҳининг бадиий ифодаси бўлмиш “Уфқ” романи, жаҳоннинг турли мамлакатларида намойиш этилаётган “Келинлар қўзғолони” драмаси бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Сиз босиб ўтган умр ва ижод йўли халқимиз ҳаётини, унинг яқин тарихини бутун мураккабликлари билан ўзида мужассам этган. Шу боис, нафақат бизнинг замондошларимиз, балки келгуси авлодлар ҳам халқимизнинг ўзига хос олийжаноб фазилатлари, унинг бошига тушган оғир синовлар, бу йўлда аждодларимиз кўрсатган матонат ҳақида сизнинг асарларингиз орқали тасаввурга эга бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, сизнинг букилмас иРОДА ва қатъият билан давр бўронларидан мардона ўтиб, халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқаётган мана шу озод замонга етиб келганингизда ҳам теран рамзий маъно бор. Бу, одам яхши ният йўлида сабр-canoат билан меҳнат қилса, албатта баҳтли кунларга эришади, деган қадим ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлади.

Қадрли Саид Аҳмад ака!

Бугунги таваллуд айёмингиз янги маъно-мазмун билан бойиб бораётган миллий адабиётимизнинг, бутун халқимизнинг байрамидир. Эл-юрт хизматида ўтаётган умрингизга умр қўшилсин. Узоқ йиллар адабиётимизнинг азиз оқсоқоли, ёшларимизнинг меҳрибон устози бўлиб юринг.

*Чексиз эҳтиром билан Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
2000 йил, 10 июнь*

## МУҚАДДИМА

Кулги мисоли офтоб, у инсон юзидан қаҳр-ғазабни олиб ташлайди. Ўзини ҳақиқий баркамол инсон деб ҳисоблаган зот борки, уни севади ва қадрлайди, у эса киши чехрасини очиб юборади, кўнглини ёритади, унга маънавий озиқ беради. Кулги инсониятга қадимдан ҳамроҳ. Унинг ёши муҳаббат, меҳр-оқибат умридан кам бўлмаса керак. Ривоят қилишларича Одам Ато Момонинг қалби севинчга тўлиб, чехрасида табассум барқ урибди. Бу инсониятнинг илк кулгиси, жилмайиши экан. Шунда самимий кулги муҳаббат ва севинч инъикоси бўлиб умумбашариятга хослик тусини олган дейишади. Шунинг учун ҳам, кулги инсон учун ҳаётий заруратдир, унинг киши умрини узайтиришини табиблар аллақачонлар исботлашган.

Кулги фақат борлиқка, ижтимоий ҳаётга яқинлиги, воқеликнинг рухини бера олиши, жамиятнинг томир уришини сезишига имкон бериши билангина эмас, балки ҳалқнинг кайфияти, орзу-умидлари ва имкониятларини даврнинг илғор ғояларини аск эттиришда ҳам намоён бўлади.

Ўзбек адабиётида алоҳида ўринга эга бўлган, ҳажв тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келган, ҳажвиялар, интермедиялар, комедиялар ёзиб, уни ривожлантирган Саид Аҳмад моҳир юморист сифатида танилган. Шунга қарамай, унинг насрый асарларида ҳам юмор ўзига хос мавқега эга.

Саид Аҳмаднинг “Кулгининг кашф этилмаган маънолари кўп... кулгининг бу хилдаги ҳали очилмаган сирлари, сехрли жилолари беҳисоб” деган гаплари асоссиз эмас.

Саид Аҳмад Абдулла Қаҳхордан кейинги ўзбек адабиётида моҳир хикоянавис, ўткир ҳажвчи, ҳалқимиз севиб ўқийдиган асарлар муаллифиdir.

Саид Аҳмад ижодининг ўзига хослигини бу кулгиларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кулги адабнинг бош қуроли ҳисобланади.

Саид Аҳмад яратган образларнинг бетакрорлиги кулги орқали янада жозибали, ёрқинроқ кўринади.

Сайд Аҳмад кулгиси қалбимизда кўпинча олижаноб, покиза туйгулар қўзғаб, яхшиликка ундаиди. Унинг ҳажвиёти чуқур моҳиятга, жозибага эга. Ҳажв Сайд Аҳмад истеъдодининг энг ёрқин жилоларидан биридир.

Шунинг учун Сайд Аҳмад ҳам устозларининг ҳажв ҳақидаги фикрларини, эстетик принципларини давом эттириди: “Авалло, ҳажвчи халқ тилини, шу тилнинг бутун ранглари-ю оҳангларини бошқалардан кўра нозик ҳис қиласиган ва уни жуда чиройли қилиб, одамлар чехрасига табассум пуркайдиган қилиб айтиб бера оладиган маҳорат эгаси бўлмоғи керак.

У...тингловчини оғир руҳий ҳолатдаги мувозанатини бузиб, енгил, қувноқ кайфият ҳолатига олиб кирадиган бўлиши керак. Кулиш осон, кулдириш қийин. Кулгисиз ҳаёт ғоятда зерикарли бўлишини, кулгининг кундалик ҳаётимизда жуда муҳим роль ўйнашини ҳаммамиз биламиз-ку”.

Сайд Аҳмад ҳажвнинг ҳаётдаги ўрни ва хизматини ҳам тўғри кўрсатади: “Ҳажв ҳаётимизни безайдиган, руҳларимизни енгиллатадиган ва, шу билан бирга, ҳаётимиздаги иллатларни турткиласаб турадиган, йўлдан чиққанларини кўпчилик орасида пўстагини қоқадиган ғоявий қурол ҳамдир”.

Мазкур методик-библиографик кўлланма мутахассислар учун ахборот-кутубхона муассасаларида Сайд Аҳмад таваллудининг 95 йиллигини нишонлашга ёрдам тариқасида тузилди. Унда ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳакида умумий маълумотлар, тадбирнинг намунавий сценарийси ва тавсиялар берилди.

## Саид Аҳмад ҳаёти ва ижоди (1920–2007)

Ўзбек насрининг пешқадам арбобларидан бири Саид Аҳмад (Ҳусанхўжаев) 1920 йил Тошкентнинг Самарқанд дарвоза маҳалласида дунёга келди.

1939 йил ўрта мактабни, 1941 йил эса олий ўқув юртини тутатди. Адабиёт дарслари ва тўгаракларида ижодга бўлган ҳаваси ортиб, қўлига қалам ушлаган, вақтли матбуот унинг ижод дорилфунуни бўлган.

Саид Аҳмад дастлаб “Муштум” журналида, Ўзбекистон радиокомитетида (1942–1943), сабиқ “Қизил Ўзбекистон” (хозирги “Ўзбекистон овози” газетасида) (1942–1947), “Шарқ юлдизи” журналида (1948–1950) ишлаган. Унинг биринчи ҳикоялар тўплами “Тортиқ” 1940 йилда нашр этилади. Уруш ва урушдан сўнгги йилларда Саид Аҳмад кўплаб фельетон, очерк ва ҳикоялар ёзган. Унинг “Эр юрак” (1942), “Фарғона ҳикоялари” (1948), “Муҳаббат” (1949) каби тўпламлари нашр этилган. У “Хазина”, “Ҳайқириқ”, “Раҳмат, азизларим” каби ҳикояларида иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли оқибатларини ҳаяжонли тасвирлайди, уруш қаҳрамонларини улуғлайди.

Саид Аҳмаднинг барча ҳикоялари замонавий мавзуда ёзилган. У ҳикояларида тасвирлайдиган ҳар бир воқеадан фалсафий умумлашма чиқаришга, воқеаларни лирик таъсирчанлик билан ифодалашга, бадиий тасвирларнинг хилма-хиллигига эришишга интилади. “Чўл бургути”, “Ўрик домла”, “Лочин”, “Одам ва бўри”, “Бўстон”, “Тўйбоши” каби қатор асарлари Саид Аҳмад ижодида ҳам, ўзбек насида ҳам янгилик бўлган.

Адид ҳикояларининг бош қаҳрамони ички дунёси бой замондошларимиздир. Ёзувчи “Тоғ афсонаси”, “Зумрад”, “Муҳаббатнинг туғилиши”, “Кўзларингда ўт бор эди”, “Пойқадам”, “Алла”, “Иқбол чироқлари” асарларида ҳаётий характерлар яратган.

Саид Аҳмад ўзининг ҳажвий ҳикояларида таракқиётимизга тўсиқ бўлаётган ярамас урф-одатлар устидан

кулади, муҳим маънавий масалаларни ўртага қўяди. Унинг “Ханка ва Танка”, “Лампа шиша” каби ўнлаб ҳажвиялари фикримизнинг далилидир.

Сайд Аҳмад кичик ҳажвий асарлари билан ўзбек радио ва телевидениесидаги миниатюралар театрига асос солган.

Сайд Аҳмад ҳикоялардан аста-секин йирик полотнолар яратишга ўтди. 1949 йилда чоп этилган “Қадрдон далалар” ва “Ҳукм” (1958) қиссаларидан кейин яратган “Уфқ” (1964) трилогиясида урушдан олдинги ва кейинги давр муаммолари ҳақида баҳс юритади. “Жимжитлик” (1988) романida турғунлик даври иллатлари фош этилади.

Сўнгги йилларда унинг “Хандон писта” (1994), “Бир ўпичнинг баҳоси” (1995) каби ҳажвий ҳикоялар тўпламлари чоп этилди. Шунингдек, у Ойбек,Faфур Ғулом, Абдулла Қаҳхор, Максуд Шайхзода, Шуҳрат, Миртемир ва Саида Зуннуновалар ҳақида хотиралар яратган.

Сайд Аҳмад драматург сифатида ҳам танилган. У “Келинлар кўзғолони”, “Куёв” каби саҳна асарларининг муаллифидир.

Сайд Аҳмад ҳам қатағон даврининг иккинчи тўлқинига дучор бўлган, қамоқ азобларини тортган ижодкордир.

У “аксишўровий миллатчилар гурухи аъзоси, зарарли ғоялар тарғиботчиси” сифатида айбланиб, Қозогистоннинг Қарағанда вилояти Жезқазған лагерида бўлади. Унинг “Қоракўз мажнун” (2002) ҳикоялар тўплами бу ҳақдаги аччик ҳақиқатни рўй-рост ифодалайди.

Сайд Аҳмаднинг “Йўқотганларим ва топганларим”, З жилдлик “Сайланма”си, “Қоракўз мажнун” ва “Киприкдаги тонг” тўпламига кирган бир қатор қисса ва ҳикоялари унинг истиқлол йилларида завқ-шавқ билан ижод этганидан далолат беради. Адибнинг кўпгина асарлари қардош ва хорижий тилларга таржима қилинган.

У Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофотига сазовор бўлган. “Шуҳрат” медали, “Буюк хизматлари учун” ва “Дўстлик” орденлари билан тақдирланган.

Ва, ниҳоят, “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган юксак шарафли унвонга ҳам эгадир.

Сайд Аҳмад 2007 йилда вафот этган.

*Абдулла ҚАҲХОР*

## ИЛҲОМ ВА МАҲОРАТ САМАРАСИ

Яхши ёзувчиларимиздан Сайд Аҳмаднинг “Уфқ” китоби бошқа анчагина романлар орасида ярқираб турибди. Бу китобни китобхон бошдан-оёқ шавқ билан, ҳеч қаерда туртимасдан, дикқати сусаймасдан, иштаҳаси бўғилмасдан ўқиб чиқади.

Ўқишлик китоб ёзиш, унинг ҳар саҳифасини, ҳар сатрини китобхонга манзур қилиш, китобхонни қувонтириш, унинг кўнглини топиш осон эмас. Бундай китобни ёзиш учун ёзувчининг маҳорати, китоб ёзишга ҳаваси, ҳатто енгиб бўлмайдиган хоҳиши ҳам кифоя қилмайди, буларнинг устига дард, ҳаёт берган илҳом, калла ва қалбдан бошқа ҳар қандай майда орзу-ҳавасни, ҳар қандай манфаат-ғаразни қувиб чиқарадиган йирик-юксак ғоя мавж урадиган илҳом керак. Илҳом билан маҳорат топишгандагина китоб ёзувчининг қалбидан қўшиқдай отилиб чиқади, китобхоннинг қалбida акс садо янграйди. Шунинг учун “китоб бадиий жиҳатдан анча ишланган, лекин ғоявий жиҳатдан бўшроқ” ёки “ғоявий жиҳатдан пишиқ, лекин бадиий жиҳатдан бир оз оқсайди”, деган “адабий-танқидий таҳлил”ни адабиёт баданидаги жароҳат дейиш мумкин. Бу жароҳат аста-секин бўлса ҳам, битиб боряпти.

“Уфқ” кечаги кунимизнинг каттакон ва яхлит парчасидир. Бир мамлакат, бир ҳалқнинггина эмас, бутун инсоният оламининг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган, одамларни, мамлакат бойлигини комига тортаётган буюк хунрезлик. Уруш бўлаётган жойларда харобалар орасидан, қурбонлар остидан қон сизиб оқаётитпи. Мамлакат ичкарисида пешона тери, кўз ёши, маҳрумият, қарғиши, наъра... “Уфқ” мана шу кунлардаги ўзбек қишлоғи ҳаётини тасвир қиласди.

Бунда ёзувчининг “ошиб-тошиб” айтган “қўшимча” сўзлари юракка таъсир қилмайдиган, демак, ақлда из қолдирмайдиган “оташин” чекинмалари йўқ. Бу – соф ҳаёт, ёзувчининг қалбини ўртаган, ардоқлаган, унга илҳом берган ҳаёт тасвири, оғир ва шу билан бирга гўзал, мунгли ва шу билан бирга фараҳбахш, мусибатга тўла ва шу билан бирга одамга қувват берадиган умид, унинг бошини “тошдан” қиласидиган ишонч барқ уриб турган ҳакиқий ҳаёт манзарасидир.

Китобда қимирлаган ҳар бир жоннинг қайғуси, қувончи, қилиш-қилмиши, муҳаббати, ғазаби, оғзидан чиқадиган ҳар бир сўзи рост: бирор уруш касофатидан тор-мор бўлган муҳаббати харобаси устида кўз ёш тўқади; уруш бўрони кўз очирмаётган вақтда бирорнинг қалбида муҳаббат ғунчasi япроқ ёзади; ота аскарликдан қочган фарзандини отади ва шу билан бирга “хайрият, ўқ тегмади”, дейди; қишлоқлан қаҳрамон чиққанда бутун қишлоқнинг қўкраги қўтарилади, ҳар бир хонадонга файз киради, уруш касофати онанинг ўлимига сабаб бўлади; оддий одам меҳнат фронтида катта ташкилотчи бўлиб кетади; одамлар қўлидаги бир бурда ноннинг юмшоқ жойини жангчиларга илинади. Найман чўлларида душманга қарши яна бир меҳнат фронти очилади.

Кишининг кўз олдига беихтиёр Биринчи жаҳон уруши йилларидағи ўзбек қишлоқлари, фронтга эмас, фронтдан узоқ жойларда ишлаш учун сафарбар қилинган мардикорлар келади. Дод-фарёд, ғалаён, ўт қўйилган маҳкамалар устида бурксиган тутун, мингбошиларнинг мажақланган калласи, полиция ўқидан қонга беланган одамлар. Киши ўйлаб қолади: наҳот “Уфқ”даги одамлар ўша мардикорлар, ўша халқнинг авлоди бўлса!

“Уфқ”да тасвир этилган қишлоқ ҳаётини, одамларини кўриб ҳар бир ўзбек катта ифтихор билан: “Биз ўзбеклар!” дейди, қардош халқлар ўзбекни меҳр билан: “Ўзбек оғайним”, деб атайди.

Сайд Аҳмад бундан қўп йиллар муқаддам қўлига адабиёт танбурини олиб чертганда, қўли келишганини кўриб, яхши

созанда бўлиб, яхши-яхши машқлар чалишини орзу қилган эдик. Шу орзу ушалиб келаётибди. “Уфқ” унинг илҳом ва маҳорат билан чалган машқидир. Созанда баъзи пардаларга ортикроқ нолиш бериб юборган бўлса, буни ҳаяжон натижаси дейиш керак.

1965 йил

**Озод ШАРАФИДДИНОВ**  
**САИД АҲМАД САНЬЯТИ**

Сайд Аҳмад етмишга кирди. Шу етмиш йиллик умрининг эллик йилдан кўпроғида ҳикоялар, очерклар, фельветонлар яратди, бир неча қисса ёзди, учта саҳна асари халқнинг оғзига тушди. “Уфқ” трилогияси, “Жимжитлик” романлари китобхонлар учун севимли бўлиб қолди.

Албатта, ярим аср мобайнида яратилган бу асарлари билан Сайд Аҳмад, шубҳасиз, адабиёт танбурида минглаб одамларнинг кўнглини овлайдиган устоз санъаткор бўлиб етишди. Хўш, Сайд Аҳмад санъатидаги энг яхши белгилар қайсилар? Буларнинг биринчиси – юкорида айтганим, Сайд Аҳмад асарларида замонанинг машҳур шиорлари ёхуд оғизга тушган қурилишлар тўғрисида ёзгани йўқ. У планларнинг бажарилиши ҳакида ҳам, колхоз-совхозларнинг фаровонлиги ҳакида ҳам асарлар яратмади. Тўғри, Сайд Аҳмад буларнинг барини аҳамиятсиз, ўткинчи нарсалар деб хисоблагани йўқ, аммо булар тўғрисида бошқа жанрда – публицистикада қалам тебратиш лозим дейди, бадий адабиёт эса ўзининг объектига эга, унинг ўз йўли, ўз гапи бор. Бадий адабиёт, биринчи навбатда, ва фақат инсоншуносликдир, у инсоннинг феълатвори, эътиқодлари, руҳий олами ҳакида баҳс юритади, унинг сийрати ва сувратини, юрагининг кардиограммасини, қалб манзараларини чизади. Сайд Аҳмад энг яхши асарларида худди шу йўлдан борди, шунинг учун ҳам, унинг асарларидағи одамлар “типик фазилатлар”нинг мажмуасидан таркиб топган “ижобий қаҳрамонлар” эмас, меҳнат қилувчи, изланувчи, муваффакиятларидан суюниб боши осмонга етувчи, кўпинча тақдир зарбалари остида изтироб чекувчи,

лекин умидсизликни енгиб ўтишга қодир, самимий, ҳалол одамлардир. Улар “муайян ижтимоий гурухлар”нинг вакили эмас, умумбашарият элчилари дир. Худди шунинг учун мен ҳам, менга ўхшаган минглаб китобхонлар ҳам Саид Аҳмад қаҳрамонларида ўзларига хос сифатлар инъикосини кўрадилар ва уларни ўз қариндошларидай ёқтириб қоладилар.

Саид Аҳмад танқидчиларнинг эътиборсизлигидан нолимаса ҳам бўлади – у ҳақида китоблар ҳам, мақолалар ҳам, тақризлар ҳам кўп ёзилган. Уларда Саид Аҳмад шаънига мақтовлар ҳам кўп айтилган. Айни чоғда, айрим асарлари ҳақида мунаққидлар хўп талашиб-тортишишган, хўп найзабозлик қилишган, Саид Аҳмаднинг “хатоларини” фош қилишган, уни “тўғри” йўлга солишга ҳаракат қилишган, қандай ёзса, асари янада салобатлироқ чиқишини уқтиришган. Ҳар қалай, адабиётимизнинг баҳтига Саид Аҳмад бу “насиҳатлар”га бўй бермай, мунаққид “дўстларининг” ноғорасига ўйнамай, ўз қалбининг амри билан, ўз истеъдодининг раъйига қараб ижод қилишда давом этди. Иккита мисол келтираман: “Келинлар қўзғолони” янги қўйилган кезларда айрим мунаққидлар асарга теранлик этишмаслигини айтиб, у енгил-елпи масҳарабозликдан, олди-қочди гаплардан иборат бўлиб қолганини таъкидлашди. Уларнинг фикрича, ҳар қандай жиддий комедиянинг замираida салмоқли ҳаётий ҳақиқат, залворли ахлоқий-маънавий муаммо ётмоғи лозим. Бир қараганда, бу гаплар тўғрига ўхшайди. Аммо тўғри бўлса, “Келинлар қўзғолони” енгил-елпи асар бўлса, унинг муваффақиятини нима билан изоҳлаш мумкин? Ахир, асар театр саҳналарида неча йиллардан бери узлуксиз қўйилиб келяпти-ку?! Ахир, фақат Ўзбекистонда эмас, бир қатор қардош республикаларда ҳам муваффақият қозонди. Унча-мунча нарсани хушлаши мушкул бўлган Москва томошабинлари ҳам бир неча кун давомида гулдурос қарсаклар билан олқишлиди. Ҳатто “Келинлар қўзғолони” асосида яратилган кинофильм Америка Қўшма Штатларида муваффақият билан намойиш қилингани ҳақида матбуотимиз ёзди. Шунга қараб хукм қилсак, “Келинлар

қўзғолони” эмас, асар ҳақидаги мунаққидларнинг мулоҳазалари саёзроқ чиқиб қолмасмикин? Биз бу асарни танқид қилганимизда комедия ҳақидаги бир томонлама, китобий тасаввурларга таянган эмасмикинмиз? Дарвоқе, “Келинлар қўзғолони”дан теранлик талаб қилганимизда қанақа “теранлик”ни назарда тутганимиз? Агар бу Достоевскийнинг “Телба”сига, Толстойнинг “Уруш ва тинчлиги”га ёхуд Чингиз Айтматовнинг “Қиёмат”ига хос теранлик бўлса, яъни ахлоқий-маънавий ёхуд фалсафий муаммоларнинг қатини очадиган, инсоният тириклигининг мангу “муаммолари”ни таҳлил қилишга хизмат қилувчи теранлик бўлса, бундай теранлик “Келинлар қўзғолони”да, албатта, йўқ. Асарда, адабиётда бундай теранлик бўлгани яхши, албатта. Аммо бундай теранликни санъатнинг бирдан-бир белгиси деб қараб бўлармикин? Ҳамиша, ҳар қандай асардан, ҳамма ижодкордан бир хил даражада шундай теранлик талаб қилиб бўлармикин? Қолаверса, “теранлик”нинг ўзи ҳам ҳамма даврлар учун, ҳамма муаллифлар учун бир хил, сира ўзгармайдиган нарса бўлармикин? Шундай саволларга таяниб мулоҳаза юритилса, кўринадики, “Келинлар қўзғолони”да ҳам теранлик бор. Фақат бу теранлик ўзбек миллий турмушини тасвиrlашдаги, миллий характер моҳиятини очишдаги теранлиқдир. Асадаги теранлик Фармонбиби типидаги ўзбек аёлларига, уларнинг фарзандларига, келинларига меҳрнинг теранлигидир. Асарни томоша қиласиз, генерал кампирнинг ҳуда-бехуда қиликларидан мириқиб куласиз, лекин спектакль охирида Фармонбибини ёмон кўриб, ундан нафрatlаниб театрни тарк этмайсиз. Аксинча, бу оилани ўзингизга яқин олиб, Фармонбибини хурмат қилиб, у туфайли ўзингизнинг ҳам турмушингизни, оилангизни ўйлаб, аҳилликни, иттифоқликни, меҳр-оқибатни, бир-бирига мурувватни ичингизда яна бир алқаб, театрдан кетасиз. Шунинг ўзи катта гап эмасми? Биз муаллифдан ҳам, театрдан ҳам сира шиорбозлик қилмасдан, сира бизни “тарбия” қилишга жон куйдирмай, фақат қувноқ ҳаракатлар билан, камалакдек

турфа рангларда товланувчи ҳаётбахш юмор билан кўнглимиизда бир олам олийжаноб туйғулар, эзгу хислар уйғотганига миннатдор бўлмоғимиз керак эмасми? Ахир, чинакам санъат деганлари айни шундай бўлмоғи зарур-ку!

Иккинчи мисол “Қирқ беш кун” романи билан боғлиқ. Бу роман ҳақида ёзилган мақолаларда ҳам баъзи мунаққидлар унинг асосий камчилиги сифатида конфликтнинг заифлигини айтишган эди. Уларнинг фикрича, Катта Фарғона каналининг қурилиши жуда катта кучларнинг кураши натижасида ҳал бўлган. Бу қурилишни авантюра деган, унга ишонмаган олимлар ҳам, давлат ва партия арбоблари ҳам кўп бўлган-у, фақат Усмон Юсуповнинг қатъий ҳаракати туфайли масала ижобий ҳал бўлган. “Қирқ беш кун” романида воқеаларнинг ана шу жиҳати муаллиф эътиборидан четда қолган. Бу ўринда ҳам мунаққидлар бир қарашда ҳақдек кўринади. Бироқ, романда Катта Фарғона канали қурилиши акс эттирилгани билан ёзувчининг асосий мақсади бу қурилишнинг ҳамма жараёнини босқичма-босқич ёритиб бериш эмасди-ку! Айниқса, муаллиф олий ҳокимият ва партия доираларида бу масала қандай қўйилгани ва қандай ҳал қилинганини кўрсатмоқчи ҳам бўлган эмас. Унинг бош мақсади канал қурилишининг умумий манзарасию бу жараёнда ўзбек халқининг жўш урган ғайрат-шижоатини тасвирлаш бўлган ва бунга тўла эришган. Ҳақиқатан ҳам, Катта Фарғона каналининг қурилиши республикамиз тарихидаги, ҳатто ҳозир ҳам, дафъатан ақл бовар қилмайдиган ғоят ноёб мўъжиза бўлган: бир неча юз минг халқ бир одамдай мислсиз аҳиллик билан бир ёқадан бош чиқариб, техникасиз қуруқ кетмону замбил-ғалтак билан канал эмас, бутун бошли дарёни қирқ беш кунда қуриб битирган. Бунинг энг танг қоладиган жойи шундаки, бу мислсиз шижаот, достонларда мадҳ этсалар арзийдиган меҳнат қаҳрамонлиги 1939 йилда содир бўлган. Яъни, ўзбек халқи ҳам Сталин мустабидлигининг авжини 1937 йилда бошдан кечиргандан кейин, халқ минг-минглаб асл фарзандларидан жудо бўлганидан кейин содир бўлган.

Қандай қилиб мана шу ҳадсиз зулм шароитида, тарихда мисли кўрилмаган жаллодлик ҳар бир хонадонга талафотлар етказиб турган шароитда ҳалқнинг бунчалик ғайрати, партияга ишончи, эртанги кунга умиди намоён бўлдийкин? Бу нима? Ҳалқнинг овсарлигими? Ҳар нарсага кўнувчанлигими? Атайин фожиалардан ўзини олиб қочиб, уни пайқамасликка уриниб, ўзини шу билан овунтиришга, чалғитишга уринишими? Бу саволлар ғоят мухим. Улар ҳамон жавобсиз қолмоқда. Аммо унинг жавобини, албатта, Саид Аҳмаддан талаб қилиш тўғри бўлармикин?

Саид Аҳмад эса романда Азизхон характерини яратиб, ўша даврнинг бетакрор руҳини, бутун ҳалқнинг яқдил қилган улуғворлигини, меҳнат кўтаринкилигини тасвирлаб, катта иш қилди. Мен икки асар билан баъзи мулоҳазаларимни айтган бўлсам, буни Саид Аҳмадни ҳимоя қилиш мақсадида айтганим йўқ. Саид Аҳмад ҳеч кимнинг ҳимоясига муҳтоҷ эмас. Мен муайян даврларда биз – мунаққидларнинг адабиётни тушунишимиз қандай мураккаб кечганини кўрсатмоқчи бўлдим, холос. Биз кўп ҳолларда оғизда истеъдодларни қадрлаш зарурлигини эълон қилган ҳолда, амалда асарларни таҳлил қилганимизда уларга нотўғри ёндашиб, уларни измимизга солиб жиловлашга уринганмиз.

Яна Саид Аҳмадга қайтайлик. Гап адабнинг санъати ҳақида эди. Юқорида мен унинг энг яхши асарларида инсон характерига теран кириб борганини айтдим. Бу гапларга кўшимча қилиб, яна бир ҳолатни таъкидламоқчиман.

Биринчиси шуки, Саид Аҳмад асарлари ғоят бой миллий колоритга эга. У Ўзбекистон манзараларини ҳам, ўзбек миллий характерини ҳам шунчаки адаб кўзи билан эмас, зеҳни ўткир рассом кўзи билан кўради. Бунинг оқибатида ҳамма миллий ранглар жамики жилосини сақлаган ҳолда кўз ўнгимизда намоён бўлади ва бизни ошуфта этади, кўнглимида ғурур уйғотади.

Мен таъкидламоқчи бўлган иккинчи ҳолат: Саид Аҳмад асарларида юмор билан лириканинг чатишиб кетганидир. Унинг биронта асари йўқки, бирор жиҳати юморга

йүғрилмаган бўлсин. Саид Аҳмад юмори ғоят ҳаётбахш, у адабнинг донишмандлигидан туғилади. Шу маънода мен Саид Аҳмадни ҳаёт сабоқларидан дарс берётган устозга қиёс қиласман. Гўё у ўз юмори билан одамларга: “Эй, биродарлар, мунча юракларинг тор бўлмаса, мунча серзарда бўлмасаларинг, ахир сизларни хуноб қилаётган, кўнглингизга адоват солаётган нарсаларга бошқа жиҳатдан қараб кўринглар – улар бу ўтар дунёда ғоят арзимас нарсалар-ку! Феълингизни кенгрок қилинг, ҳаёт мушқулотини кулги билан енгинг, донишмандроқ бўлинг!” деяётгандай бўлади.

Ҳа, энди айтганларимизга якун килайлик:

Хўш, Саид Аҳмад санъатини қандай таърифласа бўлади? Саид Аҳмад санъати инсон характерига, унинг руҳият оламига чукур кира боришдан, унинг миллий рангларини илғаб олишдан, уни эзгулик ва яхшилик, аҳиллик ва олийжаноблик сари ундашдан, ҳажвиётни улуғлашдан таркиб топувчи санъатдир.

Адабнинг ярим асрлик ижоди давомида эришган марраси шу! Юксак марраси!

1990 йил, 15 июнь

**Одил ЁҚУБОВ**

## **ҲАЗИЛ УСТАСИ ҲАҚИДА БЕҲАЗИЛ ЎЙЛАР**

Ҳаётда шундай адаб санъаткорлар бўладики, улар ҳақида ҳаёт пайтларидаёқ халқ орасида ҳар хил латифалар ва ривоятлар тўқилади. Тириклигигидаёқ латифалар тўқилган шундай адиллардан бири бизнинг адабиётимизда Fafur Fулом бўлган. Fafur aka тўғрисида биз 5–6 синфларда ўқиб юрган пайтларимиздаёқ ғалати-ғалати, ҳар хил латифалар эшитардик. Fafur Fулом ундоқ қипти, Fafur Fулом бундоқ қипти, Fafur Fуломдай сахий одам бўлмаган, кўчада кетаётганида бир етимчани кўриб қолиб, беш тийин сўраса, беш юз сўм бериб юборибди, уйига бориб битта шеър ёзиб беришни сўраганда, бутун бир достонни оғзаки ёздирибди, деганга ўхшаш гапларни кўп эшитардик.

Бугун халқымиз 75 йиллигини нишонлаётган атоқли адібимиз Саид Ахмад aka ҳақида ҳам эл орасыда бундай латифалар жуда күп. Шахсан мен Саид Ахмад aka тұғрисида салкам эллик үйл мұқаддам әшитганман. 1951 йили ҳарбий хизматдан қайтиб келиб, ТошДУнинг (у маҳалда САГУ дейилади) филология факультетига ўқишига кирдим. Ўша пайтларда факультетимизда нозиккина, күхликкина бир жувон ўқир әди. Одамлар бу жувонни күрганда чекинишиб, унга йўл беришарди ва шивирлаб: “Саида Зуннунова, Саида Зуннунова келяпти”, деб гапиришарди. Кейинчалик бу жувон Саид Ахмад деган ёзувчининг жуфти ҳалоли, Саид Ахмад қамалиб кетса ҳам, бу аёл унга садоқат сақлаб, оғир ахволда юрибди, деган гапларни чексиз бир хурмат билан айтишар әди.

Тўрт-беш үйл ўтди. Мен университетни тугатиб, машхур адібимиз Абдулла Қаҳхорнинг таклифи билан Ёзувчилик уюшмасига маслаҳатчи бўлиб ишга бордим. Сал ўтмай ёзувчилар орасыда 49–50-йилларда қамалган бир гурух адилар оқланиб, хибсдан қайтишибди, деган гаплар тарқалди. Кунлардан бир кун собиқ Карл Маркс кўчасидан бораётсам, рўпарамдан ўша мен билган нозиккина, күхликкина Саида Зуннунова билан бирга келаётган ниҳоятда чиройли кийинган, баланд бўйли, қадди-қомати келишган, бироқ лаб-лунжи унча ўхшамаган бир йигитни кўрдим. Ва гарчи, Саид Ахмаднинг на ўзини, на суратини кўрмаган бўлсам ҳам, бу йигитнинг ўша одамлар шивирлашиб гапирадиган Саид Ахмад эканини дархол англадим. Дарҳақиқат, сал ўтмай ўша йигит Саид Ахмад бўлиб чиқди.

У союзга тез-тез келадиган бўлди. Бу орада газета ва журналларда бирин-кетин ҳикоялари, ҳажвиялари чиқа бошлади. Бу ҳикояларда қандайдир алоҳида, ўзгача бир жозиба, ҳажвияларда эса халқ асқиячиларига хос ҳақиқий кулги, кишини ўзига мафтун этадиган бир лутф бор әди. Тез орада биз Саид Ахмад aka билан танишдик. Шунда мен бу адібнинг содда, бир кўришгандаёқ кишини ўзига ром қилиб оладиган ажойиб бир инсон эканлигига иқрор бўлдим. Бу

орада биз қўшни бўлиб қолдик. Ҳар куни кўришадиган, борди-келди қиласидиган, баъзан Дўмбирабод чойхонасида дам олиш кунлари бирга ош ейдиган ҳам бўлдик.

Сайд Аҳмад характерининг кишини ўзига мафтун қиласидиган энг улкан фазилати – бу кулги. Сайд Аҳмад бўлган даврада ҳамиша қаҳқаҳа, ҳамиша асқия. Мен машхур адабимизнинг “Уфқ” романини ўқиганимда ҳатто бир оз ҳайрон бўлганман. Чунки адабиётимиздан муҳим ўрин олган бу катта асар ёзувчи характерига батамом зид, яъни ўта жиддий, ҳатто фожеий (мен биринчи китобини назарда тутяпман) роман эди.

Мен бу асарнинг яратилиш тарихини яхши биламан ва бундан ифтихор қиласман. Мен “Уфқ”ни қўллэзма пайтидаёқ биринчилардан бўлиб ўқиганман ва, эҳтимол, ёзувчимизни чин юракдан қутлаган биринчи китобхондирман. “Уфқ”ни ўқиб чиққан заҳотиёқ қувончимни ичимга сиғдира олмай, улуғ ёзувчимиз – жойлари жаннатда бўлгай – хурматли Абдулла Қаҳҳорга телефон қилганман. Тез орада Абдулла aka ҳам ўқиб чиқиб, менинг фикримга қўшилган ва кўп ўтмай “Уфқ” романи нашр қилиниб, Ўзбекистон Давлат мукофотига тавсия этилганда Абдулла aka романга юксак баҳо бериб, мақола ёзганлар.

Бугун бу асар ўзбек романчилигининг энг катта ютуқларидан бирига айланди. У Ҳамза номидаги академик театrimизда сахналаштирилиб, мукофот ҳам олди. Бу эса бундан 30–35 йил муқаддам яратилган асарнинг ҳаётйлигидан далолат беради. Лекин мен Сайд Аҳмад ижоди ва унинг инсоний хусусиятидаги энг катта фазилатга қайтмоқчиман. Бу фазилат, боя айтганимдек, Сайд Аҳмаднинг кулгиси, Сайд Аҳмаднинг қувноқлиги.

Сира эсимдан чиқмайди. 1960 йилнинг ёз ойларида Абдулла Қаҳҳор раҳбарлигига бир гуруҳ ёзувчилар Фарғона водийсига сафарга чиқдик. Тинимсиз ичакузди кулги ва қаҳқаҳалар билан айланиб юрдик. Бир куни кечкурун қайси бир колхоз боғига бориб тунадик. Бизнинг келганимизни эшитиб, кечкурун шийпонда машхур асқиячилар йифилди.

Улар орасида буюк кулги усталари – мархум Расулқори ака, Ижрокүм бува, Кўр қори номи билан шухрат қозонган асқиячилар ҳам бор эди. Бўлди асқия, бўлди асқия. Сизга ёлғон, менга чин, деган гап бор. Биз кўпчилик бўлсак ҳам, ўша уста асқиячилар билан ёлғиз Саид Аҳмад ака “олишиб” ўтирибди ва боя айтганимдек, сизга ёлғон, менга чин – Саид Аҳмад ака учта машҳур асқиячи билан беллаша олди.

Албатта, улар ҳам бот-бот олиб туришибди. Лекин Саид Аҳмад акага шундай бир илҳом келдики, ҳар учала қизиқчига сўз бермади. Кулавериб йиқилиб қолибмиз. Тўғрисини айтсам, Туркистонда – асқия унча машҳур бўлмаган сахрои жойларда туғилган одам кулги ва қаҳқаҳанинг бутун бетакрор гўзаллигини биринчи марта ўша ерда, водийда хис этдим.

Саид Аҳмад ижодининг бу кўркам томонлари, айниқса, унинг “Келинлар қўзғолони” ва “Куёв” комедияларида намоён бўлди. “Келинлар қўзғолони” комедияси бутун дунё десам лоф бўлар, яrim дунёни айланиб чиқди. У шунчалик шухрат топдики, комедия ҳақида ҳатто латифалар пайдо бўлди. “Келинлар қўзғолони”ни бир неча минг кишилик томошабинлар орасида намойиш қилганида бир ёш ҳомиладор қозоқ келинчак кулавериб, ўтирган жойида туғиб кўйган эмиш. Бирорлар бу гапни тўқилган дейишади. Лекин мен бу латифага ишонаман, чунки яқинда ёзувчимиз юбилейи муносабати билан сафарда бўлганимда “Келинлар қўзғолони”ни эмас, Саид Аҳмад аканинг ўзини кўрибоқ ётиб кулаверган одамларни жуда кўп кўрдим.

Саид Аҳмад ака ўзи кўп айтадиган бир гап бор: “Дунёда энг хунук учта одам бор. Бири мен, – дейди ёзувчимиз, – иккинчиси – раҳматли Туроб Тўла, учинчиси – Шукрулло”. Лекин мен мархум Туроб ака билан Шукрулло ҳақида бир нарса деёлмайман. Аммо табиат хунук қилиб яратган Саид Аҳмад ака давраларда кулгига киришиб кетганда энг гўзал инсон бўлиб кўринади. Мен бу улкан истеъдод соҳиби ва кулги устасига узоқ умр ва бундан ҳам катта ижодий муваффакиятлар тилайман.

Халқимизни ҳамиша кулдириб ва ўзингиз ҳам доим  
кулиб юраверинг, Саид ака!

1995 йил, 9 июнь

**Пиримқұл ҚОДИРОВ**

## **УНУТИЛМАС МАДАД**

Олти йиллик тақиқлардан сүнг 1979 йилда “Юлдузли тунлар” романым “Шарқ ўлдузи” журналида босилиб чиқди. Шунинг қувончи билан яшаётган кунларимнинг бирида Саид Ахмад акадан машинкада ёзилган қисқагина табрик хати олдим. Мен эъзозлаб, кўзимга суртиб ўқиган бу мактубда Саид Ахмад ака Бобур ҳақидаги романимни журналда умр йўлдошлари Саида Зуннунова билан бирга кўп жойларини овоз чиқариб ўқиганлари ҳакида ёзган эди. Шундай катта адиб, “Уфқ” романининг биринчи китоби ҳақида Абдулла Қаҳхордай буюк устознинг ажойиб мақоласи газетада босилган, театр сахнасидан “Келинлар қўзғолони” спектакли зўр муваффақият билан кўрсатилаётган кезларда менга яна шундай илиқ хат ёзишга вақт топганлари катта олийжаноблик эди. Мен ҳаяжонга тушиб, уйларига қўнғироқ килдим. Гўшакни Саидахон олдилар. Андижонлик бўлганликлари учун бу оташнафас шоирада Бобур Мирзога аталган алоҳида меҳр бор эди. Менинг мактуб учун беҳад миннатдор бўлиб айтган сўзларимдан суюндилар. Кейин телефонни Саид Ахмад аканинг ўзлари олдилар. “Менга маъқул бўлгани, – дедилар, – сиз тарихни олим сифатида тадқиқ қилгансиз, ёзувчи сифатида тасвирлагансиз. Шунинг учун ўқувчига элақдан ўтган, яхши шопирилган, қайнови етилган гапларни айтгансиз. Фақат романнинг охирги саҳифаларида Бобурнинг вафотини янада иликроқ тасвирлассангиз яхши бўларди. Муздай мусибат ўрнига илиқ ёш келтирадиган хотиралар топинг!”...

– Раҳмат, Саид Ахмад ака. Мен бу таклифингизни қабул қиласман!

Роман ҳали китоб бўлиб чиққани йўқ, унинг охирига янги тавсиялар бериш учун вақт бор эди. Мен ўйлаб-ўйлаб,

Ҳиндистонга сафар қилганимда кечаси Аградаги меҳмонхонанинг боғида юлдузли осмонни кузатганимни эсладим.

Глобусга қарасангиз, Агра ҳам Тошкент билан бир меридиан (кенглик)да турганини кўрасиз. Шунинг учун кузда осмон тиник пайтларда Етти оғайни, Ҳулкар юлдуzlари Аграда ҳам худди Тошкентдагидай чараклаб чиқар экан.

Албатта, Агранинг бу юлдуzlарини Бобур Мирзо ҳам кўрганлар. Бу юлдуzlар унга термулиб ўсган ватанини эслатган бўлиши табиий. Шу кўйдан келиб чиқиб, романнинг китоб нашрига мўъжаз бир лавҳа қўшдим. Агра боғидаги усти очиқ шоҳона супада юлдуzlарга қараб ётган Бобур болалиги ўтган Андижон осмонини эслайди. Осмон дунёning ҳамма жойида бор экани, умрининг бошланишида Андижонда кўрган юлдуzlари умрининг охирида Аграда ҳам порлаб тургани унга сўнгги бир тасаллидек туюлади. Бобур юлдузли осмонга қараб ётганда яна ёш, соғлом йигитга айланиб, Андижон чорбогининг шоҳсупасида ётгандай бўлади.

Бир лаҳзалик бу ширин ҳисдан кейин ажал қандай бостириб келганини кўзда илиқ ёш билан тасвиrlаганим ёдимда бор.

Китоб босилиб чиққандан сўнг унинг охирига Саид Аҳмад aka айтгандай илиқ бир лавҳа қўшилганини кўриб, мамнун бўлдилар. Ўша 1979 йилнинг охирларида менинг 50 йиллик тўйимни камтаргина нишонланиши муносабати билан Саид Аҳмад aka “Хонтахтага терганда” деган ихчам бир табрикнома ёзиб, ҳазил-мутойиба қўшилган чиройли бадиани газетада эълон қилдилар.

Ўттиз йил олдинги газетанинг тахламларида ётган ушбу бадиани Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг зукко ходимаси Умида Тешабоева излаб топиб, “Ҳаёт билан ҳамнафас ижод” деган китобчасида тўлиқ босиб чиқарди. Бадиада Саид Аҳмад aka менинг эллик ёшгача ёзган роман ва қиссаларимни хонтахтага терганда бўйим бараварли бўлишини, мен эллик ёшда етмишларга борган

адибчалик ижод қилганимни ёзган ва бадиани яна қувноқ оҳангда шундай якунлаган эди:

“Дўстим, ажойиб китобларинг кўпаяверсин. Сени йўқлаб келган дўстларинг китобларинг орасидан сени зўрға қидириб топсин!”. Бу сўзларга илоҳим фаришталар омин деган бўлсин. Сайд Аҳмад акани худо раҳмат қилсин, жойлари жаннатда бўлсин!

2010 йил, 3 май

**Саида ЗУННУНОВА**

**САИД АҲМАДГА**

*Не қилай, дунёning ташвишлари кўп,  
Не қилай, барига етмайди вақтим.  
Кўйгин гиналарни, дея қолгин хўп,  
Ёлгиз ўзингсан-ку шодлигим, баҳтим.  
Эркала бузатиб, эркала бутиб,  
Нозу тавозе-ла чой тутиб қўлда –  
Яшашига фурсат ўйқ, аммо столда,  
Қарагин, ярақлаб турибди кулдан.  
Чекма деёлмайман, етмайди кучинг  
Ва лекин хаёлан уни ўчириб  
Хонангни тутундан поклаши дардида  
Ўйгоқ ўтираман сендан нарида.  
Хатинг бор ҳар қоғоз бисотим менинг,  
Бегараз кўнгилни кафтда тутгандай  
Ортмоқлаб ўтганман бўрондан уни.  
Йиллар бу дардларни энди ютгандай.  
Ҳа, йиллар ўтмоқда қайтарилмас ҳеч,  
Мен эса йўқолган шодликлар изин –  
Ахтариши, қайтарииш дарди-ла нотинч,  
Узайтмоқ бўламан умр тизгинин.  
Ўйлар оташинда бўлиб жиззанак,  
Тунларни тонгларга киприк бамисол –  
Ҳар хил мақом билан улайди юрак.  
Ўйлар гирдобида мен хаста, беҳол.  
Аммо илгаб олар қулогим аниқ,*

*Машинканг чиқиллар, тўхтайди баъзан:  
Биламан, чекяпсан, чекяпсан улаб.  
Кошки очиб қўйса деб деразани,  
Камроқ чекса-чи, деб бўламан хуноб.  
Хонангни тутундан поклаши дардида  
Бедор ўтираман сендан нарида.*

### ***Нодира САИД АҲМАД қизи***

#### **“МУҲАББАТ МОЖАРОСИ”ДАН “КЕЛИНЛАР ҚЎЗФОЛОНИ”ГАЧА**

Етмишинчи йилларнинг бошида дадамлар – ёзувчи Сайд Аҳмад таникли кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов билан биргаликда “Уфқ” романи асосида бадиий фильм яратишни ният қилдилар. Фильм сценарийси бизнинг уйимизда ёзиладиган бўлди. Ёз ойлари бўлгани сабабли дадамлар ёзув машинкаларини ҳовлимиздаги столга қўйиб, Шуҳрат ака билан ишга киришиб кетдилар. Мен ичкаридан уларнинг иш жараёнларини қизиқиб томоша қилас, чой-пойларидан хабар олиб турардим. Шуҳрат ака соқол ўстирган, фильм битмагунча соқол олмасликка қасам ичган эдилар. Улар образлар ичига астойдил кириб, ифода билан диалогларни ўқир, дадам жумлаларни тузатиб қофозга туширадилар.

Шундай қилиб, сценарий ҳам охирига етай деб қолди. Лекин роман асосида сценарий яратиш пайтида икки ижодкор қизиқиб кетиб, “Уфқ”да тасвиirlанган воқеалардан анча четта чиқиб, янги асар яратиб қўйишгани аён бўлиб қолди. Фильм Иккинчи жаҳон урушида ўзбек халқининг фашизмга қарши курашдаги ўрни, урушнинг оддий ўзбек оиласарининг қисматидаги фожиавий асоратлари ҳақида эди. Тарихий воқеалар қаҳрамонларнинг муҳаббат қиссалари билан чамбарчас боғланиб кетган эди. Янги асарга “Муҳаббат можароси” деб ном берилди. Фильмда асосий роллардан бирини актёр Пўлат Сайдқосимов ижро этган, бу унинг кинода яратган биринчи катта роли эди. Фильмдаги қаҳрамоннинг рафиқаси ролини кинода суратга тушиб

кўрмаган театр актрисаси Ойша Жўраева ижро этган эди. Кўқон Ўзбек Давлат драма театри томонидан саҳналаштирилган “Уфқ” спектаклида бу актриса Зеби образини яратган бўлиб, актёрлик маҳорати билан эътиборга тушган эди. Ойша Жўраева “Уфқ” спектаклида сахнага ўзи билан ҳамиша дуррача қўтариб чиқарди. Шу кичик деталь фильмга ҳам киритилиб, вокзалдаги хайрлашув лавҳасида актриса ўзи билан дуррача олиб юриши тасвирланган.

Фильмда 70-йилларнинг машҳур актёrlаридан Ҳикмат Латипов, Лутфихоним Саримсоқова, Ёкуб Аҳмедов, Аида Юнусовалар иштирок этишган. Маҳбуба ролига эълон қилинганд синовда таникли актисалар Гулчехра Жамилова ва Ойдин Норбоевалар ҳам иштирок этишганди, лекин фильмда суратга тушиш учун бадий кенгаш томонидан Аида Юнусованинг номзоди тасдиқланганди. Табиат қўйнида олинган манзаралар баҳор ойларида Тожикистоннинг Исфара қишлоғида тасвирга туширилиб, ниҳоятда гўзаллиги билан ҳайратлантиради. Фильмда Аида Юнусова яратган Маҳбуба образи салбий қаҳрамон Ёкуб Аҳмедовнинг маъшуқаси бўлиб, экранда уни томошабинлар ҳомиладорлик ҳолатида кўрадилар. Лекин ҳаётда ҳам актриса она бўлиш арафасида турганлигини кўпчилик томошабинлар билишмаса керак. Режиссёр фильмда шу ҳолатдан ҳам усталик билан фойдаланган. Дадамлар муштлашув лавҳасида актёrlар Пўлат Сайдкосимов ва Ёкуб Аҳмедовлар образга астойдил кириб кетишгани ва бошига қаттиқ зарба олган актёр Ёкуб Аҳмедов жароҳатланиб қолгани ҳакида менга гапириб берган эдилар. Урушдан кейинги вайронагарчилик даври манзаралари янада ишончли чиқиши учун Шуҳрат Аббосов фильмнинг кўп кўринишларини Тошкентнинг Эски шаҳар даҳасининг тор кўчаларида, пастқам уйларида суратга туширган. Фильм оқ-қора тасмага олинган бўлиб, бу билан оператор Хотам Файзиев аянчли уруш даврининг янада ҳаётий, деярли ҳужжатли тасвирланишига эришган. Истебодли режиссёр Шуҳрат Аббосовнинг илк “Маҳаллада дув-дув гап” асари сингари “Муҳаббат можароси” фильми

ҳам ўзбек миллий киносининг нодир асарларидан бири бўлиб қолди, десак муболага бўлмайди.

Саксонинчи йилларнинг бошида Шухрат Аббосов Ҳамзанинг ижоди ва ҳаётига бағишлиланган ўша даврнинг мафкуравий талабларини ифодалаган кўп серияли “Оловли йўллар” деб номланган телевизион бадиий фильмни суратга олдилар. У марказий телевидение орқали бир неча марта кўрсатилиб, шов-шув қозонди. Фильмда Ўлмас Алихўжаев, Тамара Шокирова, Дилором Қамбарова, Баҳодир Йўлдошев, Ботир Зокиров, Аида Юнусова сингари қатор истеъоддли актёrlар иштирок этишганди. Бир куни дадамлар ва ойимлар билан машинада Андижондан Тошкентга келаётган эдик. Тоғ йўлларининг пастида – жарликда дадамлар фильм суратга олинаётганини кўриб қолдилар. Табиатан қизиқувчан бўлганлари учун дарров машинани тўхтатиб, бизни пастга етаклаб кетдилар. Шовқин солиб оқаётган дарё бўйида, ям-яшил дарахтларнинг соясида Шухрат ака актёrlарга бир нималарни тушунтирас эдилар. Актрисалар рус дворян аёллари киядиган гўзал узун лиbosларда, бошларида шляпа, кўлларида соябонлар тутиб, суратга тушишга тайёрланишар, чор ҳукумати даврида рус бойларида урф бўлган уст-бошларни кийган актёrlар режиссёرنинг сўзларини дикқат билан тинглашарди. Шухрат ака дадамлар билан қулоч очиб кўришдилар, суратга олишни тўхтатиб қўйиб, анча сухбатлашишди. Бирпас салқинда дам олганимиздан кейин яна йўлга чиқдик. Дадамлар машинани бошқарар эканлар: “Шухрат жуда талантли режиссёр, лекин бекорга шу фильмга кучини сарфляпти. Танлаган мавзуси ўткинчи”, деганлари ёдимда. Ҳақиқатан, йиллар ўтиб телевидение экранларида бу асар мутлақо кўрсатilmай қўйилди. Бадиий жихатдан яхши савияда яратилган санъат асари замона зайли билан йўл қўйилган турли хатоликлар туфайли экрандан тушиб қолди.

1977 йилда “Ўзбекфильм” студиясидан дадамлар сценарий ёзишга шошилинч буюртма олдилар. Шу йили бадиий кенгаш студия суратга олган фильмлардан бирини қабул қилмагани сабаб, ўша фильмнинг ўрнига тезкорлик

били янги фильм яратилиб, йил охиригача комиссияга тақдим қилиниши керак эди. Фильм комедия жанрида бўлиши ва муваффакиятли чиқиши шарт эди. Ўша йилларда бир неча яхши фильмлар яратган режиссёр Эдуард Хачатуров дадамларга сценарий ёзишда ёрдам берадиган бўлдилар. Икковлари “Тўйлар муборак” номли фильм устида ишни бошлаб юбордилар. Фильм воқеалари ёз ойларида бўлиши керак, лекин сценарий ёзилиб тутатилганда ташқарида куз бошланган, гоҳ-гоҳ қор ҳам ёғиб турарди. Ёз келишини кутишга вакт йўқ эди. Ижодий гуруҳ вертолётда Тошкент шаҳрининг қайси кўчаларида дараҳтларда барглар сақланганини, қор эриганини аниқлаб, ўша жойларда суратга олишни бошлади. Баъзи эпизодларда қаҳрамонларнинг эгнида енгил кийим бўлишига қарамасдан, оғизларидан ҳовур чиқаётганини, кўчадаги одамлар иссиқ кийинганини, дараҳтлардаги барглар яшил эмас, қандайдир сарғайиб қовжираб қолганини сезса бўлади. Актёrlар Обид Юнусов ва Дилором Қамбарованинг анҳор сувига сакраш эпизодидаги тиши тишига тегмасдан қалтирашлари ҳақиқатдан қиши фаслида анҳорда чўмилишганидан эди. Актёр Обид Юнусовнинг бошига кўп қаватли иморатнинг деразасидан сепилган бир челяк сув ҳам олдин иситилиб олинган эди. Ижодий гуруҳдаги шошилинчлик кайфияти қаҳрамонларнинг хулқ-авторига ҳам таъсир қилиб, Фани Аъзамов, Обид Юнусов, Гавҳар Зокирова, Лутфулла Саъдуллаев, Лола Бадалова, Дилором Қамбарова яратган қаҳрамонлар фильмнинг бошидан охиригача югуриб юришади. Асарнинг муваффакиятини янада мустаҳкамлаш учун фильмдаги тўй эпизодига таниқли “Ялла” ансамбли, хонанда Хайрулла Лутфуллаев, раққоса Маъмура Эргашева, актёrlар Икрома Болтаева, Раззоқ Ҳамроевлар ҳам жалб қилинган эди.

70-йилларнинг бошларида бизни Ҳамза театрида саҳналаштирилган “Мен Чилига ишонаман” деб номланган спектаклга таклиф қилишди. Спектакль Пиночет амалга оширган давлат тўнтариши ҳамда Чилида кечаётган сиёсий ҳолатга бағишлиланган бўлиб, ниҳоятда зерикарли эди.

Сальвадор Альенде ролини машхур актёр Олим Хўжаев ижро этгандилар. Томошабинлар танаффус пайтида залдан чиқиб кетишмаслиги учун танаффусиз, эшиклар беркитилган ҳолда томоша кўрсатилди. Спектакль тугагандан кейин Олим Хўжаев дадамларга яхши драма асарлари йўқлигидан, томошабинни театрга жалб қилиш қийин бўлиб қолганидан нолидилар. Шу воқеа сабаб бўлиб дадамлар томошабинбоп, ҳар бир ўзбек оиласида бўлиб турадиган воқеаларга бағишлиланган бир асар яратишни ният қилиб қолдилар. Қўкон Ўзбек Давлат драма театри томонидан саҳналаштирилган “Ўриқ домла” номли спектаклни ҳисобга олмаганда, шу пайтгача дадамларнинг саҳна асари ёзишда катта тажрибалари деярли йўқ эди.

1970 йилда дадамнинг “Келинлар қўзғолони” деб номланган кичик бир ҳикоялари чоп этилган эди. Дадамларда шу ҳикояни кенгайтириб, саҳна асарига айлантириш истаги туғилди. Пьеса ёзилаётганда қаҳрамонларга ҳали исмлар берилмаган, театр актёрларининг номлари ёзилиб, уларнинг юриш-туриши, гапириш услуби, қобилияти кўзда тутилган ҳолда драма яратилди. Ҳар бир саҳнани ёзив бўлганларидан кейин дадамлар театрга бориб, режиссёр Баҳодир Йўлдошевга ёзганларини ўқиб берардилар, улар ҳам ўз томонларидан ўзгартиришлар киритардилар. Театр жамоаси пъесанинг ҳар янги кўринишини қизиқиш билан кутиб олар, актёрлар қаҳрамонларнинг характерлари устида завқ-шавқ билан ишлардилар, қаҳрамонларнинг нутқига, юриш-туришига турли жилвалар олиб киришга харакат қиласар эдилар. Ҳар бир ролга иккитадан актёр тасдиқланган бўлиб, фақат қайнона ролини актриса Зайнаб Садриева бир ўзи дублёrsиз ўйнайдиган бўлдилар. Ниҳоят, спектакль тайёр бўлди. Асарни бадиий кенгаш кўриб, саҳнада кўрсатиш учун тасдиқлаши керак эди. Биринчи кўришдаёқ бадиий кенгаш икки томонга бўлинib кетди. Спектаклни қўллаб-қувватлаганлар бир тараф, асарга қарши бўлганлар бир тараф. Кимдир чинакам ўзбекона асар яратилганини айтса, кимдир ўзбек қайноналарини мазах қиласиган бачканга, заарли асар

саҳналаштирилгани ҳақида кўпиртириб сўз юритарди. Асарнинг тақдиди хавф остида эди. Спектакль сахна юзини кўриши учун кўп ҳаракат қилганлардан бири адабиётшунос Ҳафиз Абдусаматов бўлдилар. Улар матбуотда эълон қилинган катор мақолаларида комедиянинг талаблари трагедияга тўғри келмаслигини, кулги, киноя, масхарасиз комедиянинг бўлиши мумкин эмаслигини, асарни камситиб, у масхараబозликдан иборат, заарли деб қараш нотўғри эканлигини қайд этдилар. Ниҳоят, кўп фикр, тўқнашувлардан кейин “Келинлар қўзғолони” сахна юзини кўрди. Биринчи намойишданоқ асар ҳалқнинг меҳрини қозонди ва кўп йиллар давомида нафакат Тошкентда, балки собиқ Иттифоқнинг ўнлаб академик театрларида, кўп чет эл давлатларида ва ниҳоят, 1999 йилда Америка Кўшма Штатларида ҳам саҳналаштирилди. 1978 йилдаги театрнинг Москвадаги гастроль сафари давомида “Келинлар қўзғолони” бир неча драмалар қаторида Малый театр саҳнасида намойиш қилиниб, рус томошабинлари орасида ҳам катта муваффакият қозонди.

Мухтор Авезов номидаги Қозоқ Давлат академик театри “Келинлар қўзғолони”ни саҳналаштирганида қизиқ воқеа содир бўлган. Театр жамоаси спектаклни ўзининг энг яхши асарлари қаторида бир неча шаҳар ва қишлоқларда кўрсатган эди. Кентовда спектакль кўрсатилаётганда қизиқ ҳодиса рўй берди. Зал томошабинлар билан лиқ тўла эди. Томошабинлар ерларда ҳам ўтиришарди. Кулги шу қадар зўр ва авжига чиққан эдики, томошабинлар орасида бирдан чақалоқ чинқириғи қўтарилиди, томоша ярмида тўхтади. Залдаги ҳомиладор бир аёл қаттиқ кулганидан туғиб қўйган эди. Болани Фармонбиби ижрочиси актриса Сабира Майқонова қабул қилиб олди, театр костюмери уни йўргаклади. Чақалоқ ўғил бола эди, унга Саид Аҳмад деб ном берилди. Спектаклнинг бундай муваффакияти дадамларни ва режиссёр Баходир Йўлдошевни янги пьеса яратишга руҳлантириди. Шундай қилиб, ҳозирги Ўзбек Миллий драма театри саҳнасида “Куёв” номли спектакль яратилди. Асар қариган

пайтида ёлғизланиб қолган чолнинг ички кечинмалари, отасининг уйланишига қарши бўлган фарзандларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида эди. Куёв ролини театрнинг машхур актёrlаридан бири Гани Аъзамов дублёрсиз ижро этди. Бу асар ҳам томошабинлар томонидан яхши қабул килинди, қатор вилоят театрларида, Мухтор Аvezov номли Қозоқ Давлат академик театрида саҳналаштирилди, “Келинлар қўзғолони” сингари катта шуҳрат қозонди. Шундан кейин Баҳодир Йўлдошев томонидан Ўзбек Давлат ёшлар театрида “Келинлар қўзғолони”нинг давоми бўлмиш “Фармонбиби аразлади” спектакли саҳналаштирилди. Фармонбиби ролини бу спектаклда яна Зайнаб Садриева ижро этдилар, лекин қайнона ва набира-келинлар орасидаги муносабатлар халқимизда унча долзарб бўлмагани сабаблими ёки мавзуя яна тақорлангани учунми, томошабинлар орасида унча муваффақият қозонмади.

“Келинлар қўзғолони”нинг шуҳрати боис режиссёр Мелис Абзаловда пьеса асосида фильм яратиш нияти туғилди. Эдуард Акопов сценарий ёзди. Қайнона ролини ким ўйнаши устида тортишувлар бўлди.

Фармонбиби ролига Муқимий театрининг таникли актрисаси Турсуной Жаъфарова тасдиқланди. Томошабинлар бу актрисанинг талқинидаги Фармонбибини ҳам илиқ кутиб олдилар. Кенжа келин ролига ўша пайтларда Москвадаги Кинематография институтини битириб келган ёш иқтидорли актриса Дилором Эгамбердиева номзоди тасдиқданди.

Фильмда бир кўриниш бор. Унда саҳарда хўроз қичқирганидан кейин етти ўғил ва етти келин уй-уйларидан бирин-кетин чиқиб келишлари тасвиirlанган. Эрта тонгда қуёш кўтарилаётган пайтда суратга тушиш учун актёrlарга тунни декорациялар орасида ўтказишга тўғри келган. Шунинг учун қаҳрамонларнинг аzonлаб хоналаридан соchlари пахмайиб, уйқусираб, кўзларини ишқалаб чиқишлиари ишонарли чиққан, чунки актёrlар ҳақиқатан ҳам уйқудан энди туришганди.

Фильм кинотеатрларда намойиш қилинмасдан туриб, баъзи парчалари телевидение орқали кўрсатилган эди, шу сабаб томошибинлар катта қизиқиши билан премьерани кутишарди. Фильм намойиши бир кунда Санъат саройи ва Собир Раҳимов номидаги кинотеатрда бошланди. Ён атрофдаги маҳаллалардан чиққан қайнонаю келинлар зиналар, қаторлар орасидаги ерларда ўтириб, кино кўришган эди.

Мана шунча йиллар ўтганига қарамасдан булар халқимизнинг севимли асарлари бўлиб келмоқда, телевидение орқали тез-тез намойиш қилинмоқда. Чинакам санъат асарларининг умри боқийлигига, вақт ўтган сари уларнинг қадри янада ортишига яна бир бор ишонаркансан.

2010 йил

## КУЙГАНЁР СОФИНЧИ

Андижондаги дала ҳовлимиздан Катта Фарғона канали ўтарди. Канал ҳовлимиздан бир чакирим юқорида икки қисмга бўлинib, ҳовлимизни икала томонидан айланиб, сўнг бошқа-бошқа тарафларга оқиб кетарди. Дарё бўйида катта тахта сўри оёқлари сувга ўрнатилган, унда дадамлар ёзнинг иссиқ кунларида ижод қилардилар. Икки комфоркали баллонли газ плитаси ҳам чинор тагига қўйилган эди. Чунки иссиқ кунда ҳадеб ошхонага чой дамлагани қатнаш одамни ҳолдан тойдириб қўяр эди. Шу оддийгина тахта сўри дадам – ёзувчи Сайд Аҳмад учун салқин ижодхона эди. Адабиётимиз мулкига айланган қанча романлару хикояларга шу сўри гувоҳ бўлган. Дадамлар ёзишдан чарчаган пайтлари “Спидола” радиоприёмникларини тинглаб, оқаётган сувга тикилиб, хаёлларида ёзаётган асарларини пишишиб олардилар. Айниқса, хонандалар Фаттоҳхон Мамадалиев, Таваккал Қодиров, Берта Давидова, Ботир Зокиров ижросидаги қўшиқларни берилиб эшитардилар. Нафис куй ва қўшиқлардан илҳомланар эдилар. Тахта сўрига сувдан баъзида бақалар чиқиб, оёқ кийимларининг ичига кириб

олишар, гоҳида бошини сувдан чиқариб илонлар оқиб ўтарди. Дарёда чўмилаётган қишлоқ болалари ҳам сузаб ўтишар, ёзув машинкасини чиқиллатиб ёзиб ўтирган дадамлар оқиб ўтаётган болалар билан бир-икки оғиз ҳазиллашиб қўйишга ҳам улгурадилар. Бир куни “ижодхона”да кечаси ҳам қолдириб кетиладиган радиоприёмник йўқолиб қолди. Каналда чўмиладиган болалардан бирортаси олган бўлса керак, деган хаёлга бордик. Албатта, радиоприёмник атрофидаги гап-сўзларни кўни-кўшнилар ҳам эшитишди. Орадан икки-уч кун ўтгач, приёмник ўз жойида пайдо бўлиб қолди. Фақат унинг у ер, бу ерига лой теккан эди, холос. Болалар ўйламасдан қилиб қўйган ишларидан афсусланиб, радиони жойига қўйиб кетишганди.

Ойимлар адiba, шоира Саида Зуннунова 50 ёшлик юбилейларини туғилган юрти Андижонда нишонлашни орзу қилгандилар. Тошкентдан қатор машиналарда ёзувчилар, адабиётшунослар, хонандаю созандалар Қамчиқ довони орқали йўлга чиқдик. Бундан икки-уч ой олдин дадамлар Андижонга бир неча марта қатнаб, зиёфатга керакли бўлган масаллиқлару идиш-товоқларни Куйганёр қишлоғидаги дала ҳовлимизга ташлаб келган эдилар. Ошхонадаги бир қоп гуруч йўқолганини билиб қолдик. Қишлоқ – кичик жой, ҳамма нарса эшитилади. Кўни-кўшнилар ҳам гуруч воқеасидан хабар топишидди. Орадан беш-олти кун ўтгач, ошхонамизда бир қоп гуруч пайдо бўлди, лекин унинг нави бошқа эди. Кимdir айнан ўша қопни эмас, ўрнига бошқасини ошхонага кечаси ташлаб кетган. Шунда бирорта ориятли куйганёрлик қишлоғи шаънини сақлаб қолиш учун шундай қилганини билдик. Тошкентлик ёзувчилар улар ҳақида ёмон фикрда бўлмасин, деб шундай қилганда у одам.

Шу дала ҳовлимизда нима йўқолса, ҳар доим топиларди. Бир куни дарё бўйида ойимлар оёқларини сувга солиб тахта каравотда ўтирганларида, бармоқларидаги феруза кўзли узук сувга тушиб кетди. Бу узук ойимларнинг энг яхши кўрган узуклари эди. Канал чукур, бунинг устига жуда тез оқарди.

Каналда сузиб юрган болалар дарров етиб келишди. Сувга шўнғиб узукни топишга уриниб кўришди. Лекин шиддатли оқим болаларни дарёнинг қуи тарафига оқизиб кетарди. Улар новвот рангда кўпириб ётган сув остида ҳеч нарсани кўришга улгура олмасдилар. Кўшни болалардан бири қалин арқон олиб келиб белига боғлади, арқоннинг бошқа учини қирғоқдаги чинорга боғлаб сувга шўнғиди. Барибир у ҳам сув остидан ҳеч нарса топа олмади. Феруза кўзли узук болаликда бир маҳаллада катта бўлишган яқин дугоналари Ҳабибаҳоннинг совғаси эди. Ҳар караганда ўртоғини эслатиб тургани учунми, ойим узукка жуда ачинардилар. Ёз тугаб, Тошкентга қайтиб келдик. Узук воқеасини деярли унутган эдик. Куйганёр қишлоғидан хат келиб қолди. Хатни Фарғона каналининг идорасида қоровул бўлиб ишлайдиган Ҳакимбой аканинг қизлари Ҳафизахон ёзган эди. Қиши фаслида дарёда сув камайиб кетгани учун оналари Кимсанхон ая белкурак ёрдамида қуриб қолган дарё сатҳидан узукни топиб олганлари хақида ёзилган эди. Ҳафизахон хатда узукни авайлаб олиб қўйганини, ойимлар Андижонга келганларида ўз қўллари билан топширишини ёзган эди. Йиллар сувдай оқиб ўтди. Ҳар гал ойимларнинг шу узукларини қўлимга олганимда, уни совға қилган Ҳабибаҳон дугоналари, бирорнинг тийинига ҳам хиёнат қилмайдиган, ҳалол, меҳнаткаш, оддий ўзбек аёли Кимсанхон ая ёдимга келади.

Ойимлар кечкурунлари қўшнимиз Қандилхон аяннига чиқиб, гаплашиб ўтиришни хуш кўрардилар. У ерга бошқа қўшни аёллар ҳам кечкурун рўзгор юмушларидан бўшаганларидан кейин йиғилишарди. Қандилхон аяннинг икки ўғил ва икки қизлари бор, турмуш ўртоқлари гўшт дўконида қассоб бўлиб ишларди. Шу боис бўлса керак, турмуши атрофдагиларнидан тузукроқ. Қандилхон аяннинг тилла тақинчоқлари, чиройли кўйлаклари ҳам бор эди. Бир куни Қандилхон ая ойимларга ҳасрат қилиб қолдилар. Менинг тилла тақинчоқларим – болаларим, дебди маҳалладаги ўнта фарзандли бир аёл кўпчиликнинг ичида. Қандилхон аяга бу гап оғир ботибди. Кенжатойимдан кейин оғир операцияни

бошимдан кечирдим, бошқа фарзанд кўриш менга мумкин эмас, нима қиласай, шуни юзимга солиш шартмиди, деб ўқиндилар. Ойимлар уларга тўрт фарзандни вояга етказиш ҳам катта иш эканини, ҳар бир болани ўқитиш, уйли-жойли қилишнинг ўзи аёл киши учун жасорат, деб уларни тинчлантирилар.

Андижон халқи болажонлигини ҳамма билади. Фарзандларини бешикда ётган пайтидан бошлаб “сиз”лашади. Болаларга ортиқча танбех беришмайди, шўхлик қилишса, гапга киришмаса, катта бўлса, эси кириб қолади, деб индашмайди. Баъзида бизникига ҳам болаларини етаклаб меҳмонлар келарди. Улар “қий-чув” билан боғдаги ғўр олмаю нокларни ерга уриб туширишарди, ҳожатхонага бориб ўтирмасдан тўғри бетон йўлкачаларга “иш”ларини “бажараверишарди”. Болалар пойабзалини ечмасдан диван-креслолар устида сакрашар, шоколад, мураббо юқи қўллари билан пардалар, сервантларни ушлашарди. Ота-оналари уларга ўзгача меҳр билан тикилиб, болалар роса яирашяптида, дейишарди. Меҳмонлар кетгандан кейин дадамлар ойимлар билан уй тозалашга, бетон йўлкаларни шлангда ювишга тушиб кетардилар. Орадан бирор хафта ўтар-ўтмас меҳмонлар, болалар Саид Аҳмад тоғасини соғиниб қолишибди, деб яна кириб келишарди.

Ойимлар дала ҳовлида дадамларга ижодий имконият яратиб беришга ҳаракат қиласидилар. Лекин ҳамиша ҳам бунинг уддасидан чиқа олавермасдилар, чунки биз Тошкентдан келишимиз билан таниш-билишлар, ёру биродарлар карвони узилмасди. Шундай пайтларда дадамларнинг асарлари чала қолаётганидан кўпроқ ойимлар сиқилардилар. Колхоз раислари, вилоят идораларида юқори лавозимда ишлайдиган мансабдор кишилар бозор қилиб, ўзлари билан ошпазни ҳам олиб келишарди. Бу зиёфатлар, албатта, дадамларнинг хаёлларини ижод қилишдан чалғитарди. Лекин дадамлар вақт топиб, ишларининг чаласини битиришга ҳаракат қиласидилар. Эрталаб биз уйқудан турганимизда улар резина шлангда дараҳтларни

ювиб, ҳовлига қалин қилиб сув сепиб қўйган бўлар эдилар. Шийпоннинг тагидаги шотут дараҳтининг қоп-қора меваларини тоғорачага териб қўярдилар. Мен бирпас мизғиб оламан, машинкамдаги қоғозларга тегманглар, деб хоналарига кириб кетардилар. Мен ойимлар билан кечаси ёзилган варакларни ўқиб, яна билдирамасдан жойига қўйиб қўярдик. Сув сероблиги учун қўшнилар томорқасига шоли экишарди. Сув бўйига жойлашган ям-яшил шолипоялар чиройли манзара ҳосил қиласади. Дадамлар томорқага ҳавасга хилма-хил дараҳтлар, сабзавотлар эктирган эдилар. Ойимлар билан овқат қилишдан олдин офтобда қотиб, ҳансираф ётган ердан белкуракда картошка қазирдик, сабзи, пиёз сугуардик, қўл-оёқларимиз тиканлардан шилиниб помидор, бодринг териб чиқардик. Овқат пиширишдан ҳам овқатга тушадиган масаллиқни томорқадан иссиқда йиғиб чиқиши малол келарди. Шунда Тошкентдаги уйимизда музлаткичдан сабзавот олиб, овқат пишириш қанчалик осон бўлганини эслардик. Умуман, ойимларнинг дугоналари ёзда Қора денгиз бўйларида ҳордик чиқариб, қорайиб қайтиб келишса, ойимлар Куйганёрдаги дала ҳовлида меҳмон кутиб, ўчоқ бошида, томорқада қорайиб Тошкентга қайтар эдилар. Ҳовлимизда йигирматача шафтоли дараҳти бўлиб, мевасининг бир тарафи қизил, бир тарафи сариқ рангда бўларди. Дадамлар бу шафтолини “Лола” нави деб атардилар. Пишиқчиликда мевасини ҳеч қаерга сиғдириб бўлмасди. Дадамлар челакларга, тоғораларга шафтоли тўлдириб, машиналарида таниш-билишларга ташир эдилар. Челаклар, тоғоралар ҳам ўша жойда қолиб кетаверарди. Рўзғорда идиш-товоқ қолмаганида ойимлар дадамларга дўёндан тез-тез челак ва тоғоралар олиб келтирадилар. Дадамлар дўстларини ҳар гал учратгандаридан, челакларимни қачон қайтарасизлар, деб сўрардилар. Ҳам шафтоли бер, ҳам челак бер, ҳам уйига обориб бер, яна кетидан челагимни қайтар, деб ялинниб юр, роса аҳмоғини топибсизлар, деб яниб қўярдилар ҳазил аралаш.

Мана шу воқеаларга ҳам ўттиз беш, қирқ йил бўлиб қолибди. Бу орада замонлар, одамлар ўзгарди. Лекин

Избосканнинг меҳнаткаш, содда, софдил, олижаноб, ўзбек халқининг энг яхши хислатларини ўзида мужассамлаган инсонлари ўзгармади. Куйганёр қишлоғидаги Катта Фарғона канали бўйидаги дала ҳовлимизда бўлиб ўтган воқеалар меҳрибон, инжа табиатли ойимлар Саидахоним, ҳазилкаш, ҳозиржавоб, одамохун дадам Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмадларни ҳамиша соғинч билан хотирлайман.

2009 йил, 9 октябрь

*Саид АҲМАД*

### **БИЗ ШУНДАЙ ЯШАДИК**

Бир он тўхтаса-чи, учқур бу дамлар,  
Бир он силкитмаса тезкор қанотин.  
Қаришдан бир нафас тинчӣ одамлар,  
Бир онгина тутса мангалик отин.

Бу фақат маҳсулсиз, афсусли хаёл –  
Вактдек чавандозни жиловлади ким?  
Аммо елкасига мушкул ва малол  
Юкларни осмоқдан туролмасмиз жим.

У ҳамон пишқириб югурап бирок,  
Нукра бўлиб сочга кўнар нафаси.  
Инсондан ўч олмок бўлиб чамаси  
Таранг тиник юзга ботирап тирноқ.

Саидахоннинг иш столида ўтириб бирон нарса ёзганини эсләймайман. Ошхонада овқатга уннай туриб, боласининг беланчагини тебрататебратат тиззасига дафтар қўйиб шеър ёзган пайтлари кўп бўлган.

Уйда сақланаётган қўллэзмаларининг кўпчилигига ёғ, сутнинг доғлари бор.

Қаерда илҳоми келиб қолса, ўша ерда ёзаверарди. Журнал саҳифаларининг четидаги оқ жойларига жуда майдада

ҳарфлар билан қора қаламда ёзган шеърларининг кўлёзмалари ҳозир ҳам уйимизда сақланади.

Сафарларда юрган пайтларимизда чиройли-чиройли блокнотлар олиб келардим. Ўша блокнотларнинг дастлабки саҳифаларига шеър битиларди-ю, кейинроқ бориб уларнинг саҳифалари бозорда қилинган харажатлар ҳисоб-китоби билан тўлиб кетарди.

– Нега унақа қиласиз, атайлаб шеър ёзишингиз учун олиб келгандим, – дейман.

– Бозорга бир чангаль пул билан кетиб у-бу оламан-у, шунча пул қаёққа кетганини билмай ўтираман.

Биламан, Саидахон менинг пулини харжлаганидан хижолат бўлиб шундай қиласиди. Ўз пулинин харжлагандаги ҳисоблаб ҳам ўтирумайди.

– Сиз унақа қилманг. Қачон мен топиб келган пулини ҳисоб сўрабман?

– Шунақа дейсиз-у... – дейди у хижолат аралаш жилмайиб, – умримда бирорвонинг пулини ишлатмаганман.

Чиндан ҳам, Саидахон отадан етим қолган бир этак укаларини боқиш ташвиши билан ёшлигининг хузур-ҳаловатини кўрмаган. Онаси Сабохон кўҳликкина меҳнаткаш аёл эди. Ўқишидан қайтган қизларини ёнига олиб чорси, дўппи тикишарди. Шу арзимаган даромад орқасидан рўзгор тебратишарди. Саидахон Андикон ўқитувчилар институтини тутгатгандан кейин Избоскан туманининг Тўрткўл қишлоғидаги мактабда ўқитувчилик қила бошлайди. Ҳар ҳафтада топганини уйга ташлаб, йигирма километр йўл юриб орқасига қайтарди. Шу ташвишлар орасида тинмай китоб мутолааси билан яшаган Саидахон турмушга чиққандан кейин ҳам эрининг пулини сарф қилишга сира кўниколмасди.

Китобимга каттароқ пул олган пайтларимда ҳаммасини унинг қўлига бериб қўярдим. Шу пул то тамом бўлмагунича ҳар куни ишдан келишим билан блокнотни очиб, харжларни ўқиб берарди. Мен бундан хижолат чекардим. Баъзан жаҳлим чиқиб, қўлидаги блокнотни олиб ҳовлига отиб юборардим.

— Э, пулингиз ҳам қурсин. Магазинга кирсам ҳам, бозордан бирор нарса харид қилсан ҳам худди орқамдан нима қиласан, деб қараб турганга ўхшайсиз. Қўйинг, энди менга пул берманг. Рўзғорга керагини ўзингиз олиб келаверинг.

Саидахон гонорар олганда биратўла ҳаммасини харжлаб, ўзига кийим-кечак олиб келарди.

— Хой, инсофингиз борми? — дейман ҳазиллашиб.  
— Участка бошлаб қўйганмиз-а. Томини ёпишга тунука олишим керак, шувогига пул керак.

Шунда Саидахон хандон отиб куларди.

— Эркаклар хотининг тилла узук олиб беради. Хотинини қўғирчоқдек ясатиб кўяди. Ўз кийим-бошини ўзи эплайдиган хотинингиз борлигидан суйинсангиз-чи.

Ўртамизда мана шундай ҳазил-мутойибалар ҳам бўлиб турарди.

Гап Саидахоннинг столда асар ёзмаганлигига эди.

Уйимизда бир эмас учта ёзув столи бор эди. Барибир унда ёзишга Саидахоннинг қўли тегмасди. Эртадан кечгача уйда ғимирсиб юраверарди. Албатта, уйда хотин киши учун ҳамма вақт иш топилади. Кир ювиш, бичиш-тикиш, уй йиғишириш, овқат қилиш, келди-кетдига тайёргарлик кўриш...

Шунга ўхаш юмушларини бажариб юриб йўл-йўлакай хаёлида шеърини пиширади-да, дераза раҳига тирсагини қўйиб, ё бўлмаса дазмол қиласиган тахтага қофоз қўйиб етилган сатрларни туширади.

Баъзи шеърларининг икки сатри журнал муқовасига, тўрт сатри телефон рақамлари бор рўйхат тагига ёзиб қўйиларди. Шеърни шу йўсин битказарди-ю, кечга бориб машинкада икки нусха кўчириб оларди.

Табиатимда ўйинқароқлик бўлганидан кечаси ишлардим. Бунга сабаб, кўчага чиқиб кетиб бўлмайди. Ҳамма ухлаган. Ўтириб ишлашдан бошқа илож йўқ. Ҳали-ҳалигача кечаси ишлайман. Шунга ўрганиб кетганман.

Мен ҳеч қачон ёзган ҳикояларимни таҳрир қиласми Саидахонга кўрсатмаганман. Кечаси тонг отгунга қадар

ишлаб ҳикоямни битираман-да, бир варақ көгозга “Саида Зуннунова, ҳикоя битди. Ҳозирча ўқиманг!” деб ёзиб, эшикка ёпиштириб қўяман.

Мириқиб ухлаб турганимдан кейин таҳрир қиласман. Саидахонга ўқиб бераман. У ортиқча эътибор бермай шунчаки тинглайди.

— Аллақачон ўқиб бўлганман. Яхши ҳикоя ёзибсиз, – деб мени табриклайди.

Ана шундан кейин ёзиб бўлган ҳикояларимни таҳрир қиласмаганимча Саидахон тополмайдиган бирон жойга беркитиб қўядиган бўлдим.

Олтмиш биринчи йил телевизор кўриб ўтирганимизда (қайси фильм эканлиги ёдимда йўқ) асар қаҳрамони “Турналар” деган қўшиқ айтди. Негадир бу қўшиқ менга жудаям таъсир қиласди. Фильм тугаганда Саидахонга “Турналар” деган ҳикоя ёзаман, дедим.

Авваллари ҳеч қачон фалон нарса ёзаман, деб айтмасдим. Саидахон ҳайрон бўлди.

Кўпдан бери ҳеч нарса ёзмай ўртокларимдан дақки эшитиб юрган пайтларим эди. Саидахон ҳар доим, овқат маҳалидаям, бирон иш қилаётган пайтимда ҳам, қачон биронта ҳикоя ёзасиз, сиз тенгилар тез-тез ёзиб туришибди, бунақада орқада қолиб кетасиз-ку, деб тинмай гапираверарди. Турна тўғрисида ёзаман деганимда жуда севиниб кетди.

Хуллас, ўша кеча ухламай тонг оттирдим. Ёшлигимда эшиттган, ўзим кўрган воқеаларни эсладим. Болалигимда уйимизда битта чўлоқ турна бўларди. Оркамдан эргашиб юрарди. Онамнинг айтишларига қараганда, бу турна қаердадир яраланиб, тонг маҳали тўдасидан ажralиб ҳовлимизга тушган экан. Ўша турна кўз олдимга келаверди. Бугунги воқеаларга омухта қилиб, уни ҳикоямга қаҳрамон қилиб олдим. Тонготар маҳали битди. “Саида Зуннунова, ҳикоя битди. Қидириб юрманг, сиз тополмайдиган жойга беркитиб қўйганман”, деб ёздим-у, эшикка ёпиштириб

уйқуга кетдим. Уйғониб катта уйга чиқсам, Саидахон ҳикояни ўқиб ўтирибди. Ҳайрон бўлдим.

– Қандоқ қилиб топдингиз. Печканинг ўтхонасига тиқиб қўйган эдим-ку! Шуни ҳам топдингизми?

– Хотин киши ўз уйидаги ҳамма тешик-теликларни билади. Аёл кишидан нарса беркитиб бўлмайди. Топдим. Жуда яхши ҳикоя ёзибсиз. Жумлаларида ғализликлар бор, тузатарсиз.

– Ана шунинг учун ўқимай туриңг дейман-да.

– Мен ишлаган қишлоқ манзараларини жуда аниқ ёзибсиз. Ўқиб таъсирланиб кетдим. Чолнинг турнаси учеб кетганида кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Мен ҳам бир ҳикояни қоралаб қўйдим. Аввал ўзингизникини таҳрир қилиб бўлинг, кейин меникини ўқиймиз.

Бирон соат ўтириб ҳикоямдаги ғализ жумлаларни таҳрир қилдим. Нонуштадан кейин Саидахонникини ўқидик. Яхши ҳикоя ёзибди. Аммо оҳангি менга унча ёқинқирамади. Ҳикоя ёлғиз ўғлини уйлантирган бир бева аёл тўғрисида эди. Кампир тўй куни келинга бармоғидаги узугини совға қиласди.

Тўй тарқаган уй манзараси ниҳоятда чиройли ёзилганди. Кампирнинг портрети ҳам жуда яхши.

– Менга қаранг, номини “Қўллар” деб қўйинг. Бутун ҳикоя давомида кампирнинг қўлларини тез-тез тилга олиб туриңг. Шунда унинг меҳнати, муҳаббати, меҳри ўқувчи кўз олдида пайдо бўлади.

Бу гап Саидахонга жуда ёқди. Бир ўтиришда таҳрир қилиб, мен айтган гапларни қўшиб ўқиб берди. Ҳикоя ниҳоятда таъсирли чиқди. Икковимизники ҳам олдинмакетин “Совет Ўзбекистони” газетасида босилди. “Қўллар” рус тилига таржима қилиниб “Правда” газетасида, сал фурсат ўтиб, “Советская женщина” журналида чоп этилди.

“Қўллар” Саидахонга жуда катта шухрат келтирди. Негадир мен танқидни унча хуш кўрмайман. Танқид эшитган куним қўлларим ишга бормайди. Бирон ҳикоямми, китобимми танқидга учраса ойлаб ёзмай қўяман. Мақтov эшитсан ёзгим келаверади. Шу феълимини билган Саидахон

кўчадан гап топиб келади. Ростми, ёлғонми, менга ёқадиган гап бўлади.

— Ойбек акани кўргандим. Ҳикояларингизни жуда яхши кўрар экан. Нега ёзмаяпти, деб сўрадилар.

Бу гап ёлғонлигини билсам ҳам барибир ёқарди. Балки ростдир, Ойбек ака ўқиса ҳафсаласи пир бўлмасин, деб яхшироқ ёзишга ҳаракат қиласадим.

Саидахон,Faфур акани кўрдим, ундоқ деди, бир куни Абдулла акани кўрдим, сизни бундоқ деди, деб мени қизиқтириб қўярди.

Олтмиш бешинчи йилда “Шарқ юлдози” журналида “Уфқ” романнимнинг биринчи китобини қаттиқ танқид қилган мақола босилибди. Почтачи журнал олиб келганда Саидахон вараклаб кўрса шунаقا мақола бор. Ўзи ўқиб, ўша саҳифаларни йиртиб олиб қўйибди. Ўша кезларда романнинг иккинчи китобини жуда ҳафсала билан берилиб ёзаётган пайтим эди. Ўқиса қўли ишга бормай, янги китоби бир-икки ой тўхтаб қолади, деб атайин шундай қилган. Мақолани бошқалардан эшишиб, бирон ойлардан кейин ўқидим.

Биз мана шундай бир-биrimizni аярдик. Ёзишга бир-биrimizni рағбатлантириб турадик.

Албатта, жанжалсиз уй йўқ, деганларидек орамизда ғидибиди гаплар ҳам бўлиб туради. Кўпинча бунақа воқеаларга мен сабабчи бўлардим.

Уй қуриб, машина олиб, юбилей қилиб анча чиқимдор бўлиб қолдик. Менинг қўлим очиқлиги, бўлар-бўлмасга пулни сарф қилиб юборишмни билган Саидахон рўзгор бошқаришни ўз қўлига олди. Топганимизни расамади билан билиб-билиб сарфларди. Албатта, бу менга ёқмасди. Эркак одамнинг кўчада озми-кўпми харжи бўлади. Саидахон худди қулоққа ўлчаб бергандек, кўшимча жуда оз пул тутқазарди. Мен ҳам бўш келмасдан, олган гонорарларимдан ўмарид қолардим. Саидахон буни билмасди.

Миртемир домла менга ўхшаган серсарф одам эдилар. У киши билан бир маҳаллада турадик. Домланинг Туркманистондан, Қозоғистон, Қирғизистондан келадиган

шоир ўртоқлари кўп бўларди. Уларнинг ҳаммасини Тошкент ресторанларида яхшилаб меҳмон қилиб кузатардилар. Баъзи-баъзида кечаси таксида келиб деразамни чертардилар. Фортинчани очиб саломлашардим.

– Қорақалпоқдан ўртоқларим келиб қолди. Омонат касса ҳозир берк. Эрталабгача юз сўм бериб тур, аммо Саида билмасин, деб тайинлардилар.

Шунда мен беркитиб қўйган “ўғрилик” пулидан юз сўм узатардим. Домла пулни олиб, эртага, албатта, ўз қўлингга бераман, дердилар.

Эртасига айтган гаплари эсларидан чиқиб, пулни Саидахонга бериб кетардилар. Саидахон, бу пулни қаердан олдингиз, деб мени қийин-қистовга оларди. Шундай қилиб мен ҳам пулдан ажралардим, ҳам пул “ўғриси” бўлиб қолардим.

Нодира қизимиз тўрт ёшга кирган пайт эди. Машинада далаларга чиқардик. Нодира сут ичиб, унинг қаердан пайдо бўлишини билмасди. Анор еб, заводдан чиқсан, деб ўйларди. Далаларда юрганимизда сигир соғаётган хотинларни, анор гулини, ҳосилини кўриб, қовуннинг марзада палак орасида дўмпайиб туришини, маккажӯхорининг попугини кўриб ҳайрон бўларди.

Саидахон унинг бу ҳолатларини кузатиб юрган экан. Эндиғина оламни таниётган гўдак тўғрисида “Ойдан тушган қиз” деган жуда нурли, беғубор ҳикоя ёзди. Ўкиб жуда таъсирланиб кетдим. Ўша ҳикоя “Гулистан” журналида босилди. Редакция ходимларидан бири сарлавҳасини “Осмондан тушган қиз” деб ўзгартирибди. Саидахон жуда жуда хафа бўлди.

– Ахир, нега сўрамасдан ўзгартиришади. Осмондан тушган сўз салбий маънони англатади-ку. Гўдайган одамга осмондан тушган бўлсанг ҳам менга хўжайнчилик қилма, деган гап бор. Ойдан тушган, деганда қандайдир нурли бир нарсани тасаввур қиласми.

Саидахон ҳамма вакт ўз асарларидаги ҳар бир сўз учун курашарди. Чунки у ҳеч қачон сўзларни нотўғри ишлатмасди.

Фафур Ғулом вафот этганда унга атаб “Шоирни эслаб” деган бир шеър ёзганди. Сарлавҳа тагига “Фафур Ғулом вафоти кунларида ёзилган” деб қўйилган эди. Шеър босилиб чиққандан кейин афсусланиб қолди.

– Муни қаранг, Фафур аканинг ўлимидан қаттиқ куйган эканман. Бир сўзни хато қилиб ёзганимни сезмай қолибман. “Вафоти кунида” дейиш ўрнига “Вафоти кунларида” деб ёзворибман. Жуда уятли иш бўлди-да.

Саидахон эллик бир йил умр кўриб бирорвга бош эгмади. Имонини маҳкам ушлади. Ўзига гард юқтирамади. Оламдан ҳалол-покиза яшаб ўтди. Лаганбардорлик, бирорвга мутелик, ҳасадгўйлик унга бегона эди.

*Курашиз, меҳнатсиз шодлик, кулгини  
Ўғрилик мол дейман, қиласман ҳазар.  
Қалбимнинг парчаси сингмаса агар,  
Розимасман бирор ҳадя этса зар.*

Бу сатрлар Саидахоннинг шеърда чизилган сувратига ўхшайди...

## **САИД ВА САИДА: ТАҲРИРСИЗ ВА ТАЛҚИНСИЗ САТРЛАР**

*Адиблар асар битаётганда ўз аслиятини яшириши, китобини кимлардир ўқишини инобатга олиб, иши тутиши мумкин. Аммо-лекин кўнглига яқин инсонига хат ёзаётганда ортиқча “шоирлик” қилишга ҳожат ўйқ. Бунда сўзлар янада самимироқ жаранглайди, туйгулар эса пардоzlанмаган ҳолда қогозга тўкилади.*

*Катта мақсадлар, ширин орзулар билан оила қуриб, умрлари баҳорини ҳижронда ўтказган икки ижодкор қалб кечинмаларини, орадан яром аср ўтгач, бўяб-бежсамоқча, турфа тахминларимиз билан “бойитмоқ”-ка на ҳожат. Бинобарин, бири Тошкентда, иккинчиси Андижонда тугилган икки садоқатли рафиқ – ёзувчи Саид Аҳмад ва шоира Саида*

*Зуннунованинг самимий ёзиималарини таҳрирсиз, талқинсиз асл ҳолича ҳукмингизга ҳавола қилишини ихтиёр этдик.*

### **Соғинчли салом! Мехрибон Ойижон! Ҳурматли Саидахон!**

Мен соғ-саломатман, юборган хатларингиз ва совғаларингиз бехато етиб келяпти. Раҳмат. Аҳволим яхши. Иш оғир эмас. Ёшлигимда қўшимча ҳунар деб ўрганиб қўйганим рассомлик қўл келиб қолди. Рассомлик устахонасида ишлайман. Машқ билан туппа-тузук рассом бўлиб қолдим. Ишлаган расмларим бу ернинг катталарига жуда маъқул бўляпти. Мойли бўёқ билан катта-катта сувратларни ишлай бошладим. Эртадан кечгача турли бўёқлар орасида севган ҳунарим – санъат билан овораман. Санъат билан машғул бўлган даврларимда бироз бўлса ҳам ўзимнинг айни замондаги маҳрумиятларимн унутаман-у, бўёқлар жонлантирган сеҳрли манзараларга берилиб кетаман. Бу машғулот мени овутади, руҳимни енгиллатади.

Мендан ортиқча ташвиш тортманглар. Ейиш-ичиши яхши. Уч маҳал қуюқ-суюқ овқат бор. Нон эса кўпинча ортиб қолади. Чекиши масаласида танглик бор, холос (гугурт ҳам шундай). Посилкага кўпда зўр берманглар.

**Саидахон!**

Нимаики имкониятингиз бўлса кийинг, енг-ичинг. Дўст-душман олдида ғариблик ошкор бўлмасин. Хотинлик номига номуносиб бўлган, аммо ўзини аёлларнинг зийнати деб биладиган муршидалар олдида мағрур бўлинг (қалбнинг ўртанишларини яшиromoқ қанчалар қийин бўлса ҳам, ирода кучи билан енгмоқقا мажбурмиз, ахир). Дунёда яшамоқ ҳукуқи инсонга фақат бир марта берилган, энг гуллаган, яшайдиган, хаётнинг гўзаллиги, бор жамолини тўйиб-тўйиб кўрадиган бир даврда сизни ҳасрат-надоматга солиб қўйган гуноҳкор сифатида сўзлаётирман (аслида, мен гуноҳкор эмасман). Тақдирнинг беомон чангали бу гал адашди, жазога сазовор бўлмаган ошиқ ўлжасини қурбон қилди. Мен на ватан олдида, на инсоният олдида айборман. Фақат сизнинг

олдингиздагина гуноқорман, холос. Ҳа, фақат сизнинг олдингизда!.. Чунки айни замонда чекаётган азобларингиз фақат мен туфайли. Мен бўлмаганимда балки сиз бунчалик қийналмаган бўлардингиз. Ҳаёл кучи билан сизни қай шароитда яшаётганингизни кўриб турибман. Шодлик ва қайғуларимга шерик бўлган, ғариб масканимда сиёҳдонимнинг етимлигини сездирмаган чинакам дўстимни унутмайман. Шодлигини кўрмай ғамига шерик бўлган кимсани унутиб бўладими, ахир. Ширин хаёллар, эзгу ниятлар ўрнига фақат ғам-андух кўрган хотинни унутиш мумкинми, ахир? Йўқ! Менинг бу сатрларим ўз хотинини мақтаган маддоҳ шоирнинг мадҳияси эмас. Ўз кўзим билан кўриб, қалбим билан ҳис қилиб турганим ҳақиқатни қандай қилиб яширай, ахир.

Ўз тақдиримни ким билан баҳам кўриш кераклиги ҳақида фикр қилган кунимдан бошлаб кўпларни синаб кўрдим, кўплар мени синаб кўрди. Узоқ изланиш сўнгида сизни топдим. Шу билан овундим. Бутун борлигим, келажагим, тақдиримни баҳам кўраман, ҳаётнинг абадийлигига қўл кўтарамиз деб турган айни қизғин-ширин, завқли бир пайтда айрилиқ бошга тушди-ю, икки ёш, навқирон қалб, порлоқ ниятлар бирла бошлаган ҳаракатини яrim йўлда тўхтатиб кўйди. Афсус, минг афсус...

Мен сиз билан ғуурланаман. Айтинг-чи, “Ҳамма нарсадан кечди-ю, айтганини қилди” (ўз хатингиздан) деган хотин билан ғуурланса арзимайдими, ахир. Бу сўзлар билан сизни мақтаётганим йўқ, ёлбораётганим ҳам йўқ. Ҳеч қачон, ҳеч вақт, айниқса, сизга сира-сира ёлбормайман. Ёлбориш умиднинг сўнгги нуқтаси. Ёлбориш ожизликнинг асл маъноси (айни замонда тубанлик ҳам). Агар мен сизга ёлборганимда эди, руҳингизни ҳақоратлаган, дилингизга озор бериб қўйган бўлардим.

Ёзган хатингизда “Ҳасратимни ёзай десам, қаламга ўт тушиб, қофоз куйиб кетди”, дебсиз. Ўша куйган қалам билан қофознинг ёлқини менинг ҳам қалбимда аланга олиб кетди. Қаламни куйдирманг. Ҳижрон ўтида тоблансин, чиниқсин.

Қалам қанча қора бўлса, оппоқ қоғоз бетида жонли манзараларни янада жонлироқ яратади. Мана шу қоғозларда тасвир этганимиз манзаралардан пояндоз қилиб келажакка бормоғимиз керак. Ҳа, бирга бормоғимиз керак. Руҳан туша кўрманг. Китоб билан қалам улфатингиз бўлсин. Мен худди шундай қиласпман. Расм соламан, китоб ўқийман ва рус тилини ўрганаман. Бу менинг кундалик одатий машғулотим бўлиб қолди.

Мендан Зухур акамга, поччамга, Фароғат опамга, келинойимга, Машхура опамга, Мудирага, Даилиага, Дилбархонга, Мафраткага, Хотамга, Ўмакага, Севар пучукка, Ширинка-артисткага, Фаридунга, Элдор оловга, Улфат ва унинг укаси ҳам адасига, Уйгушага, Мастиркага салом айтиб қўйинг.

Бошига бемаҳал ташвиш тушган қуёвнинг Андижондаги қайнонаси, қайнотаси ва қайнингилларига гуноҳкорона саломимни етқизинг. Мендан ранжимасинлар.

Ойша опам, Пўлат, Арслонни дадасининг ўз уйига соғ-саломат етиб келиб рўзгорига бош бўлиши билан табриклаб қўйинг. Саломимни айтинг.

Бийим бечоранинг нияти холис экан. Ниятига етди. Узун кечалар ухламай чеккан руҳий азоблари зое кетмади. Бундай баҳтли ҳодисадан ниҳоятда севинганимни кампирга билдириб қўйинг. Қози бувамга кўпдан-кўп салом.

**Хурмат билан Сайд Аҳмад**

**05/05. 51.**

Адресим: “Казахская ССР, Карагандинская обл.  
Джезказганский рудник п/я 392/4”

**Хурматли Сайд Аҳмад ака!**  
**Салом!**

Қимматли соғлиғингизни сўраганимдан кейин, саломатлигимни билдираман. Биз тинчмиз, ҳамма қариндош-урұғлар саломат.

Сайд Аҳмад ака, ўтган баҳор (йўқ, ундан олдинги баҳор бўлса керак) шундай шеър ёзиб қўйган эканман:

*Эккан гулларингиз очилди қийгос  
Сизсиз завқ бермади менга сира ҳам.  
Ахир, мен Сиз билан биринчи марта  
Ҳамнафас ҳаётга қўйғанман қадам.  
Босган изингизни излаб кўчада  
Довдираф, тентираф юрганларим бор.  
Мен одамман, ахир, балки биларсиз,  
Эҳтимол, бўлмассиз сира миннатдор.  
Эҳ-ҳе, нималарни гапирмадилар,  
Барига чидадим, қилолдим бардоши.  
Ишондим, бир куни кириб келасиз,  
Кечанинг кетидан чиққандай қуёши.*

Бу баҳор эса гулларингизни чаман-чаман очилганини кўрганда янги шеър ёзмадим-у, ўша шеъримни эсладим. Чунки ёзсан, барибир юқоридаги сўзларни қайтарган бўлар эдим. Атиргуллар жуда авж олиб кетган. Ҳозир ҳовлининг ҳамма ёғи гул. Ўзингиз кўрсангиз эди, қанчалик севинардингиз. Сиз учун ҳам, сизнинг ўрнингизга ҳам уларни парвариш қиласман, асрайман. Мана, ҳозиргина бир дона қизил гулни китоб орасига солиб қўйдим, Сизга деб. Посилкага солиб қўярман. Ўзим эса югурга-югурга ҳамма нарсадан хафсалам пир бўлиб, бундан кейинги оғирликларга ҳам чидашга, кўп умрим ҳисобига бўлса ҳам, жуда мушкул бўлса ҳам, оғир бўлишга қасд қилдим. Майли, мен ҳаммасини Сиз ва ўзимнинг поклигим учун кўтараман. Факат ўйлайман, ўқишим тугаса, ҳамма келган студентлар кетсалар, мусофирилик яна ҳам қаттиқ сезилса керак, деб. Хулласи, икки жаҳон овораси бўлиб қолдим. Жуда сиқилган кезларимда уйга бориб келай десам, яқин эмас. Бир ёқдан Сиз йўқсиз. Бир ёқдан онам ва укаларимни соғинаман. Борганимга, мана, бир йил бўлиб қолибди.

Шоирлик билан энди бутунлай хайрлашдим. Бу касб менга кўришга улгурмаган баҳтиёригу бир умрга бадбаҳтилик бағишилади. Шунинг учун у билан хайрлашиш у қадар оғир бўлмади, десам бўлади. Энди ўз қалбим сўзларини

бировларнинг шеърларидан қидирадиган бўлиб қолдим.  
Мана, Муқимиининг шу байтларини ёд олдим:

*Кўнгилни гунча янглиг таҳ-батаҳ қон айладинг-кетдинг,  
Халойиқ ичра маъюсу паришион айладинг-кетдинг.  
Отиб тийри жафо дилларга, ҳар ёндин солиб раҳна,  
Нечук сultonки сен мулкингни вайрон айладинг-кетдинг.  
Шунақа гаплар.*

Сайд Аҳмад ака, тўғри, сочимда оқ толалар кўпайган.  
Тезроқ келмасангиз, бутунлай оқариб кетади. Унда нима  
қиласми? Сочингизни бўяңг, десангиз мен эпчилоқ ҳам  
эмасман. Яхшиси, тезроқ келинг. Баъзида ойим ҳазиллашади.  
“Агар шундай қилса, мен ҳам бир қайнайман, ўғлингизнинг  
ҳам сочи оқаради. Ундан кейин teng бўламиз”, дейман. Сайд  
Аҳмад ака, иложи бўлса хат ёзиб туринг. Мен ўша ердамисиз-  
йўқми, билолмаяпман. Жуда кўпдан хат йўқ...

**Хурмат билан: Саида**

Кўрпа-ёстиқ масаласи қалай? Кўрпангиз эскиб кетгандир.  
У ерда қанақа беради, билмаймаи. Керак бўлса ёзинг, бир  
илож қилиб юборарман.

**1952 йил**

*Олтин япроқларни тўзғитган кузнинг  
Ойдинли тунида учрашибик икков.  
Баҳор, майсалардан гунча очган тонг,  
Жудолик бағримга ташлади олов.  
Расмингга қарайман, гамгин ва маҳзун.  
Кўзингда ёнади истиқбол нури  
Биламан кўксингда қайнайди ҳамон  
Мехру вафоларнинг кўрки, гурури.*

**Сайд Аҳмад.** Қамоқдан юборилган дилнома.  
**Жезқозғон 3.I.53.**

## ҚАДРИ БАЛАНД САНЬАТКОР мавзусида тадбирнинг намунавий сценарийси

*(Тадбир сценарийси намуна сифатида берилмоқда.  
Ахборот-кутубхона муассасаларининг мутахассислари  
сценарийга ўзгартириши ва қўшимчалар киритишлари  
мумкин).*

Тадбирга таклифнома ҳамда дастур тайёрланади, шунингдек, адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади. Адабиётлар кўргазмасидаги асарлар юзасидан обзор ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Тадбирни олиб борувчи уни қўйидаги сўзлар билан очиши мумкин.

**Олиб борувчи:** Ассалому алайкум, хурматли даврамиз меҳмонлари! Бу йил юртимизда Сайд Аҳмад таваллудининг 95 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сайд Аҳмад ўзбек адабиёти ривожига улкан хисса күшган сермаҳсул ижодкорлардан эди. Унинг ҳикоялари, қиссалари, романлари, ҳажвий асарлари, комедиялари адабиёт ва театр мухлисларига яхши таниш.

Ҳажвни чуқур тушунгандан англаған Сайд Аҳмад ҳам юморист, ҳам эпик, ҳам лирик, ҳам сатирик бўлганлигидан унинг асарлари ўз мавзуи, услубий ва жанрий ранг-баранглиги билан ажralиб туради. Бироқ, Сайд Аҳмад ўз табиати билан юморга бой санъаткор, у ҳар бир нарсадан ҳеч ким кўрмаган ва пайқамаган кулгили ҳодисаларни, инсон ҳаракатидаги қизиқ ҳолатларни тезда кўради ва ундан маъноли кулги чиқара олади. Бу хусусият унинг барча асарларида яққол кўзга ташланади. Унинг юмористик маҳорати лирик ва психологик тасвирилаш маҳорати каби ёзувчи ижодининг том маънодаги замонавийлигидан, ўзига хослигидан туғилган.

Сайд Аҳмад ижодий фаолиятига бағишлиланган бугунги тадбирга меҳмонларни таклиф этганмиз. Улар билан сизларни таништираман. (*Сўзга чиқувчилар таништирилади ва уларга навбат билан сўз берилади*).

**Биринчи сўзга чиқувчи:** Ҳозирги ўзбек адабиётида ҳажвчи ёзувчилар ҳақида гап кетганда дархол кўз олдингизга Саид Аҳмад келади. Чунки у энг пешқадам ҳажвчи, ҳалқимиз орасида ўзининг ҳаётбахш кулгиси билан машхур бўлган адиблардан бири бўлиб қолди. Саид Аҳмад деганда кулгининг табиати ярақлаб кетгандай бўлади, кулги ёзувчи маънавиятиниң ажралмас бўлагига айланиб кетган.

Инсоннинг маънавий эҳтиёжларидан бири кулги адабиёт ва санъатда муҳим эстетик вазифаларни бажаради. Шунинг учун борлиқни, инсон ҳаётини бадиий акс эттирадиган ҳажвнинг ўзига хос хусусиятларини, асар ғояси, қаҳрамонлар характеристини очиб беришдаги ролини, адибнинг кулги яратишдаги маҳоратини тадқиқ этиш адабиётшуносликнинг муҳим ва долзарб масалаларидан бири бўлиб қолди.

**Иккинчи сўзга чиқувчи:** Саид Аҳмаднинг ҳажвчилик фаoliyati ҳақидаги энг яхши баҳони ундан бир неча йиллар илгариFaфур Ғулом берган эди: “Куни кеча бир даста “Муштум”ни қўлтиқлаб, менинг уйимдан Абдулла Қаҳҳорникига, униқидан менинига қатнаб, бирор жўяли маслаҳат қидириб юрган Саид Аҳмад бугун бақувват сатирик юморист ёзувчимиз бўлиб етишди...”.

Саид Аҳмад ҳажвининг асосий моҳиятини ташкил қилувчи юмор “ёруғ қараашлар”га эгалиги билан ажralиб туради ва тезда китобхонни ўзига жалб этади.

**Учинчи сўзга чиқувчи:** Саид Аҳмаднинг ноёб истеъдоди – табиатан юморга мойиллиги ижодига катта таъсир ўтказган. Бу унинг нафақат ҳажвий асарларида, ҳам яққол кўринади, балки жиддий асарларида ҳам яққол кўринади, шунинг учун Саид Аҳмад ижодидаги кулги унинг табиатидан келиб чиқадиган, унинг қон-қонига сингиб кетган хусусият, қолаверса, унинг фикрлашидаги, дунёқарашидаги ўзига хосликдан туғилган.

Саид Аҳмад асарларида кулги турли хил вазифаларни бажариб келади: воқеликка бўлган муносабатни ифодаловчи восита, тарбиялаш қуроли, қаҳрамонни жозибали, асарни ўқимишли қиласи, инсонни ҳар хил иллатлардан халос

қилишга кўмаклашади, турли хил иллатлар “касалига” дучор бўлишнинг олдини олади, юмор ҳиссини ўстиради ва тарбиялайди. Шунинг учун Саид Аҳмад ижодида юмор жиддий кучга, катта аҳамиятга эга. Адиб асарларида кулги муаллифнинг тасвирланаётган ҳодисага муносабатини ифодаловчи восита бўлиб келади. У ҳаётдаги ижобий воқеаларни тасдиқлашда, уларга хайриҳоҳлигини, муҳаббатини билдиришда, шунингдек, хар хил салбий ҳодисаларни, турли-туман баъзи қусурларни ўзига хос йўл билан танқид қилишда фойдаланади. Унинг асарларида кулгининг жуда кўп шакллари, усуслари учрайдики, бу кулги ҳақидаги қарашлар, имкониятлар доирасини нечоғли кенг эканлигини кўрсатади.

**Тўртинчи сўзга чиқувчи:** Саид Аҳмад ижодида кулгининг кўлами бениҳоя кенг ва ранг-баранг. У хар гал танлаб олинган воқеанинг оқимига, қаҳрамонларнинг савиясига, ўзининг ниятига мос равишда кулгининг ана шу турли шаклларидан биттасини ёки бир нечтасини қўллайди. Унинг ҳажвияларида кўпинча сатирик ва юмористик кулгининг қўшилиб келиши характерлидир.

Саид Аҳмад асарларида кулги ҳамма вакт фаол хизмат кўрсатади, у шунчаки тасвир воситаси бўлиб қолмай, ўқувчини тарбиялаш қуролига ҳам айланади. “Чўл ҳикоялари” туркумида, “Келиллар қўзғолони” комедиясида, “Уфқ” трилогиясининг баъзи эпизодларида кулги орқали ўқувчининг туйғусига таъсир қиласди. Чўл бургуги – Раҳимжон, Фармонбиби, Азизхон каби образлардаги энг яхши хусусиятларнинг баъзиларини юмор орқали кўрсатиб, китобхонда эзгулик сифатларини тарбиялайди.

Шундай қилиб, Саид Аҳмад асрларида воқеликни ҳар томонлама бадиий таҳлил қилишга ва баҳолашга имкон берувчи, шунингдек, ўқувчининг туйғуларига таъсир қилиш билан унга муайян кайфият ҳосил этишга ёрдам берувчи муҳим эстетик мезонга айланади. Бу йўналишда юмор кулгиси устиворлик қиласди.

**Бешинчи сўзга чиқувчи:** Сайд Аҳмад ижодидаги юморнинг муайян манбалари мавжудки, у мана шу манбалар чашмасидан озиқланди, илхомланди. Ҳаёт ёрқин кулгили ҳодисаларга тўла, ижодкор кулгисининг биринчи манбаи ҳаётдир. Ёзувчи буни чуқур ҳис этган ҳолда ҳамиша қайноқ ҳаёт ичиди, халқ орасида яшади, халқ ҳаётини чуқур ўрганди. Ўзининг энг сара асарларида халқ қалбидаги бойликларни, халқнинг теран фазилатларини, миллий кулгисини чуқур очиб беришга интилди. Ёзувчи юморининг ҳаётний, халқчил чиқишининг асл манбаи ҳам, сабаби ҳам шу ҳаётнинг ўзи. У ҳаётдаги қайси бир ҳодисани тасвиirlамасин ўзининг нуқтаи назарига содик қолади: уларга лирик-юмористик жиҳатдан муносабат билдиради. Унинг ҳаётний, қонуний илдизларини ҳаётнинг ўзидан қидириш керак, бу эса адидан воқеа-ҳодисаларнинг ич-ичига кириб, унинг мазмуни, ички хусусиятларини чуқур, ҳар томонлама билишни талаб қилади. Сайд Аҳмад шунинг учун ўз кулгисига ҳаётнинг ўзидан обьект танлаб олади, шундоққина жўшқин ҳаётнинг, ундаги кулгининг ўзини асарларига кўчиради-кўяди.

